Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга
2008 йил учун
обуна
давом этади.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр
кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 30-yanvar, №5 (567)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

Йўл бўлсин, **йўловчи?**

Йўловчиларнинг ўз манзилига бехатар етиб боришига, аввало, ҳайдовчилар жавобгар ҳисобланади. Хўш, мана шу жавобгарликни жамоат транспорти ҳайдовчилари қай даражада ҳис қилишмоқда? Бу ҳақда одамлар нима деяптию ҳайдовчилар қандай фикрда?

➪ 4-бет

Жюль Верн... Ўзбекистонда



Романдаги воқеаларнинг асосий қисми ўлкамизда бўлиб ўтгани диққатга сазовор.

Асарда XIX асрнинг охирларида Туркистон заминида рўй берган ҳодисалар қаламга олинган. Муаллиф француз журналистининг саёҳатлари воситасида гўёки келажакка ташриф буюради.

➪ 5-бет

"Темир сандиқ"ларда сақланган мисралар

Ушбу нусханинг нодирлиги шундаки, унинг саҳифаларида шўро мафкурачилари томонидан ёлланган танқидчининг дастхат ёзуви бор. Ана шу ёзув ва бошқа туҳматайблар 1937 йил 14 июлда шоирни миллатчиликда айблаб, ҳибсга олишга асос бўлган.

➪ 6-бет

Танловнинг **нуфузи ошмоқда**

Кеча Миллий матбуот марказида журналистика «Олтин қалам» III миллий мукофоти учун халқаро танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, «Олтин қалам» миллий мукофоти танлови ташкилий қўмитаси раиси Шерзод Ғуломов очди. У ўз сўзида «Олтин қалам» миллий мукофотининг мақсад ва вазифаларига алоҳида тўхталиб ўтиб, ушбу халқаро танловнинг йилдан-йилга нуфузи ошиб бораётганлигини таъкидлади. Хусусан, буни ўтган йили бўлиб ўтган II миллий мукофотнинг танлов якунлари ҳам исботлади. Масалан, I миллий мукофот учун ўтказилган танловда 136 та журналист, 1700 га яқин ижодий ишлари билан иштирок этган бўлса, 2007 йили II танловда мамлакатимизнинг 376 нафар журналисти ўзларининг 5000 га яқин ижодий ишлари билан қатнашди. Ушбу танлов халқаро мақомдаги ижодий танлов ҳисобланади. Шу сабабли унда нафақат республикамиз журналистлари, балки хорижий ижодкорлар ҳам иштирок этишлари мумкин.

Ўтган йил бўлиб ўтган II танловнинг мукофотлар жамғармаси 35 миллион 272 минг сўмни ташкил этган эди. Бу йилги миллий мукофот фонди ўтган йилдагига қараганда қарийб 20 миллион сўмдан ортиқ бўлиб, жами 55 миллион 890 минг сўмни ташкил этади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йилги танловда бир қатор янги номинациялар ҳам эълон қилинмоқда. Шулардан бири 2008 йил — «Ёшлар йили» муносабати билан «Ёшлар йили»га бағишланган «Энг яхши материал учун» йўналиш бўйича ҳам махсус рағбатлантирувчи мукофот жорий этилмоқда.

Йиғилишда дастлаб ташкилий қўмитанинг таркиби тасдиқланди. Унинг таркибига миллий мукофот ташаббускорлари — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро марказидан ташқари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Конрад Аденаур фондининг Марказий Осиё, Қозоғистон ва Шимолий Кавказ бўйича ваколатхонаси вакиллари ҳам киритилган.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА

"Олтин қалам"

III МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндошувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" халқаро танловини ўтказади.

Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб ўтказиладиган бу танловга 2007 йилнинг 31 мартидан 2008 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2008 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1 -, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1 -, 2-, 3- ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

- журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
- фаол фуқаролик позицияси учун;
- ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- "Ёшлар йили"га бағишланган энг яхши материал учун;
- маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
- ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
- энг яхши журналистик текширув учун;
- мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
- энг яхши режиссёрлик иши учун;
- йилнинг энг яхши дебюти учун;
- энг яхши фоторепортаж учун;
- энг яхши карикатура учун;
- чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

- муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш 2008 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 144-64-62; 144-37-87; Факс:144-69-65
E-mail: ijod@ sarkor.uz www.journalist.uz

ИФТИХОР

Ёшларни эъзозлаган юрт

ЗАМОНАВИЙ ДАРГОҲЛАР

Ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, интилишлари ва баркамоллиги ҳар бир мамлакат тараққиётининг асоси ҳисобланади. Юртимиз порлоқ келажак сари илдам одимлар экан, етук, малакали мутахассис кадрларни тайёрлашдек муҳим масала ҳамиша диққат-эътиборда бўлади.

Ҳукуматимиз томонидан изчиллик билан амалга оширилаётган янгиланишларнинг энг муҳим босқичларидан бири таълим-тарбия соҳасини тубдан ўзгартириш ва самарасини ошириш бўйича умуммиллий дастурларнинг қабул қилинганидир. Ундан кўзланган мақсад миллионлаб фарзандларимизнинг замон талабларига жавоб берадиган, янгича қиёфа кашф этиб бораётган илғор таълим стандартлари асосида билим олишини таъминлашдан иборат.

Хусусан, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг умумтаълим мактаблари биноларининг муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш йўналиши бўйича 2004-2007 йилларда жами 4669 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, жумладан, 205 та янги мактаб бинолари барпо этилди. 1174 та мактаб капитал реконструкция ва 2074 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилган бўлса, 1216 та мактаб жорий таъмирланди. Эътиборлиси, қайта тикланган умумтаълим мактабларининг 3768 таси қишлоқларда барпо этилди. Бу билан қишлоқ ва шаҳарлардаги мактаблар ўртасидаги тафовутга барҳам берилди.

Бугун мазкур оламшумул ишларни дунё мамлакатлари ҳам эътироф этмоқда. Яқинда юртимизга ташриф буюрган "Дунё муаммолари бўйича Женева конгресси" вице президенти Жозеф Гольблад пойтахтимиздаги 28-мактабда бўлиб, Ўзбекистонда шундай мактаблар борлиги таҳсинга сазоворлигини ҳатто, айрим Европа давлатларида ҳам бундай илм масканлари йўқлигини айтиб ҳайратга тушганди. Синфхоналарини кўздан кечириб, таълимга давлат томонидан катта эътибор қаратилаётганини эътироф этганди. Биргина 2007 йилда мактабларнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 267 млрд. сўм маблағ молиялаштирилганини эшитиб "МАКТАБГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР" шиори бежиз эмаслигини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)

ФАОЛИЯТ

Эркин матбуот билан нурли истиқбол сари

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз Конституцияси 15 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг роли ва аҳамияти» мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.

Ҳар бир мамлакат, миллат ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида ўзига хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради. 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсатини такомиллаштириш йўлидаги муҳим босқичдир. Давлатимиз раҳбари Конституциянинг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда бу ҳақдаги таклифни илгари сураркан, «Фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзини номоён этиши учун майдонни кенгайтириш керак»лигини таъкидлади. Бу борада эса оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутади.

Куни кеча, аниқроғи, шу йилнинг 28 январь куни пойтахтимиздаги Навоий кон-металлургия комбинати бизнес марказида Юртбошимизнинг мамлакатимиз Бош Қомуси — Конституциямиз қабул қилинганлигининг 15 йиллиги муносабати билан қилган маърузаларида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг роли ва аҳамияти мавзусидаги республика анжумани бўлиб ўтди. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринли бўлар эдики, ушбу конференция жуда салоҳиятли ва қизғин руҳда кечди.

(Давоми 3-бетда.)

САЛОМАТЛИК

Йод муаммоси

Инсоннинг буқоқ касаллиги билан оғришига асосий сабаб инсон организмида йод миқдорининг етишмаслигидир.

Хўш, кишиларни бу касалликдан ҳимоя қилувчи йод кўпроқ қандай маҳсулотлар таркибида бўлади? Улар касаллик хавфини камайтиришда ёрдам бера оладими? Бу каби саволларга Тошкент Тиббиёт академиясининг эндокринолог шифокори, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Дилором Арзуметова жавоб беради:

— Буқоқ — йод етишмовчилиги гуруҳига кирган касалликлардан бири. Бу касаллик бутун дунёда маълум. Мамлакатимиз ҳудудида эса у кўп йиллардан бери мавжуд. Касалликнинг олдини олиш учун таркибида йод миқдори кўп бўлган мевалар — хурмо, ёнғоқ ва темир моддаси кўп бўлган олма, беҳи мунтазам истеъмол қилиниши керак. Йод — бу инсон организми учун ҳар куни керак бўлган жуда муҳим микроэлементдир. У кўпроқ тузларнинг таркибига қўшилади. Айниқса, йод океан балиқларида кўп бўлади. Агар буқоқ пайдо бўлмасдан олдин ана шундай маҳсулотлар кундалик истеъмол қилинса касаллик авж олмайди. Кўпчилик беморлар касаллик кучайиб кетганидан кейин мурожаат қилишади, вақтида тиббий кўрикдан ўтиб турмайди. Қизиғи шуки, айрим кишилар "йод" деганда дорихоналарда сотиладиган суюқ дорини тушунар, ҳаттоки шу дорини истеъмол қилинаётган нарсага томизиб ейилса, буқоқни кичрайтиради деб ўйлашар экан.

(Давоми 3-бетда.)

ЖАВОБ

Судга даъво аризаси киритилди

Шу йилнинг 9 январь куни "Ҳуррият" газетасида эълон қилинган "Прокурор протести бажарилмаяпти. Нега?" сарлавҳали танқидий мақолада чоп этилган ҳолатлар вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Оқдарё туманидаги Қўтирбулоқ қишлоғида яшовчи фуқаро М.Тоғаевнинг аризасига асосан "Қўтирбулоқ-Зарафшон ММТП"да ўтказилган танлов ҳужжатлари туман прокурори томонидан текширилиб, танлов ўтказишда қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, 2007 йил 15 январдаги танлов комиссиясининг баённомаси ва туман ҳокимининг 2007 йил 22 май кунги № 529-Қ-сонли С.Умаров номига "Холиқулов Мардон-Собир" фермер хўжалигини ташкил этиш ва унга 10,7 га ер ажратиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш тўғрисида 2007 йил 7 декабрь куни протест келтирилган.

Протестга қонунда белгиланган муддатда жавоб берилмаганлиги сабабли туман прокурори томонидан туман ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Т.Алқаров ва ҳуқуқшунос маслаҳатчиси Р.Саримсоқовларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилган. 2008 йил 14 январь куни протест кўриб чиқилиб, қаноатлантирилмасдан қолдирилганлиги ҳақида туман ҳокимлиги томонидан жавоб хати берилган, шунга кўра, туман прокурори томонидан 2008 йил 14 январь куни ушбу қарорни бекор қилиш ҳақида судга даъво аризаси киритилган.

Текшириш натижасига кўра, туман ҳокими Н.Бердибоев қонунбузмаслик ҳақида огоҳлантирилиб, ушбу ҳақда вилоят ҳокимига ахборотнома киритилди.

Бахтиёр НУРМУҲАМЕДОВ,
Самарқанд вилоят прокурори
3-даражали Давлат
адлия маслаҳатчиси.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Ёшларни эъзозлаган юрт

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ

Очиғини айтсам, синфимизда ҳеч ким кимё фанини яхши билмасди. Негаки, дарсда ҳар доим китобдаги назариядан нарига ўтилмасди. Дарс вақти тугашидан олдин ўқитувчимиз "Мавзу бўйича кимда савол бор?" — дея мурожаат қиларди-ю, савол кутмасди. Бу аҳвол физика, биология, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари дарсларида ҳам кузатиларди.

Ўшанда ўқитувчи ўқувчидан, ўқувчи ўқитувчидан ҳеч нарсани талаб қилолмасди. Чунки мактабда бу фанлардан амалиёт ўташ учун шароит мавжуд эмасди.

Бугун жойларда бунёдкорлик ишлари билан бир қаторда барча таълим муассасалари замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ҳамда компьютер техникаси билан жиҳозланмоқда. Шу мақсадда ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар ўртасида тендер савдолари ўтказилиб, энг замонавий таклифларгина қабул қилинмоқда.

Натижада, республика бўйича мавжуд физика кабинетларининг жиҳозланганлик даражаси 39 фоиздан 61 фоизга, кимё фан хоналариники 37,4 фоиздан 42,5 фоизга, биология кабинетлариники 37 фоиздан 42 фоизга етди. Компьютер техникалари билан таъминланган мактаблар сони эса 5003 тани, яъни умумий мактаблар сонининг 51,2 фоизини ташкил этди.

Бугун ўқитувчи касбига ҳам этибор бўлакча. Уларнинг моддий ва маънавий рағбати ҳар қачонгидан-да аъло даражага кўтарилди. Умумтаълим муассасаларида Директор жамғармаси ташкил этилиб, уларда Махсус комиссиялар фаолияти йўлга қўйилди. Комиссиялар таркибига мактаб касаба уюшмаси аъзолари ва ота-оналардан вакиллар жалб этилганлиги устама ҳақларнинг холис белгиланишида муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, 2004—2007 йиллар давомида ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи 6,2 баробарга оширилди.

Шу билан бирга республика олий ўқув юртларида жисмоний тарбия ўқитувчилари ва тренерлари тайёрлаш кенгайтирилди. 2003—2007 йилларда жами 2205 нафар шундай касб эгалари мактабларга йўл олди.

СОҒЛОМ ВУЖУД

Андижондаги "Марварид" болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Мафтунабону Тўхтасинова 11 ёшида спорт устаси талабини бажарди. У 200 метрга сузишда 2,5 дақиқа натижани кўрсатиб, жаҳон рекордини ўрнатганди.

(Бошланиши 1-бетда.)

Кейинги йилларда кўплаб кузатилаётган бундай ғалабалар юртимизда болалар спортига қаратилаётган эътибор самараси эканлигини таъкидлаш жоиз. Спорт объектларини барпо қилиш Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури билан узвий боғлиқликда амалга оширилаётгани янада эътиборли.

Кейинги йилларда оммавий спорт турлари ривожланиши билан бирга футзал, аёллар футболи, синхрон сузиш каби спорт турлари оммалашди. Агар 2003 йилда ўқувчилар спортнинг 8 тури бўйича шуғулланган бўлишса, бугунги кунда спорт заллари 23 тагача спорт турларини ривожлантириш имконини беради.

Болаларни спорт машғулотларига оммавий жалб қилиниши натижасида ўсмирларнинг жисмоний ҳолати яхшиланиб бормоқда. Масалан, 13-14 ёшли ўғил болаларнинг ўртача бўйи 2003 йилга нисбатан 1,9 см, қиз болаларники 1,2 см.га ўсган. Ушбу ёшдаги ўғил болаларнинг ўртача вазни 3,3, қиз болаларники 2 килограмга ошганлиги кузатилмоқда.



Азиз замондош, энди айтинг, ўзбек фарзанди эришган бундай ютуқлар ўтган даврларнинг орзуси эмасмиди! Бугун эса ҳар қандай соҳада шу каби муваффақиятларга эришиш имконияти юзага келди. Хўш, энди, таълим сифат-самарадорлиги қандай бўлмоқда?

ЮКСАЛАЁТГАН НИҲОЛ

Фан-техника ривожланиши, ишлаб чиқариш тараққиёти ҳамда таълим соҳасидаги ўзгаришлар Давлат таълим стандартларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Натижада, умуммиллий дастур асосида умумий ўрта таълим ўқув режасининг 24 номдаги фанлари бўйича таълим стандартларининг такомиллаштирилган лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўқув фанларининг синфлар кесимида узвийлигини таъминлаш, улардаги такрорланишларга барҳам бериш, ўқувчилар ёши, психофизиологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир фан бўйича ўзлаштириши талаб этилган билим кўлами аниқ ишлаб чиқилди.

Маънавият, иқтисод ва эстетик фанларни ўрганишга ажратилган соатлар сони кўпайтирилди. Айрим фанлар бўйича ўқув юкламалари жаҳон таълим тизимида белгиланган меъёрлар ҳамда тажрибалардан келиб чиқиб тартибга келтирилди. Жумладан, чет тили, информатика, иқтисодиёт, Миллий истиқлол ғояси туркумидаги фанлар бўйича ўқув соатлари миқдори оширилди.

2004—2007 йилларда мактаб ўқувчилари Халқаро фан олимпиадаларида жами 27 та медални қўлга киритдилар. Жумладан, 2004 йилда 3 та олтин, 2005 йилда 6 та бронза, 2006 йилда 2 та кумуш, 4 та бронза медаллари билан тақдирланган бўлсалар, ўтган йили 1 та кумуш, 4 та бронза медалларини олишга муваффақ бўлдилар.

Давлат тест маркази томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, ўқувчиларнинг билим даражаси йилига ўртача 4,7% га ошган. Жумладан, кимё фанидан 6,0%га, биология фанидан 5,9% га, физика фанидан 5,6%га, тарих фанидан 5,0% га, география фанидан 4,7% га, математика фанидан 1,6 % га ўсган. Бу кўрсаткичлар йилдан-йилга умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг билим, малака ва кўникмаларининг сифат даражаси ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

КЕЛАЖАККА ЙЎЛ

Мазмун-моҳиятига кўра оламшумул дея баҳолаш мумкин бўлган ушбу ислоҳотлар 12 йиллик таълимга ўтишни ва узлуксиз таълим тизимини яратишни назарда тутади. Эндиликда умумтаълим мактабларида тўққиз йил давомида таҳсил олган ёшлар академик-лицей ва коллежларда уч йил мобайнида махсус касбларга тайёрланади. Олий ўқув юртлари ҳузурида ташкил этилган академик лицейларда ўғил-қизларимиз ўзлари танлаган мутахассислик бўйича чуқур билим эгаллаяпти, коллежларда эса махсус фанларни ўзлаштириш билан бирга, икки-уч мутахассислик бўйича малакали кадр сифатида мустақил ҳаётга қадам қўймоқда.



Юқорида зикр этилган миллий дастурлар ҳаётга татбиқ этила бошланганидан буён 1 минг 140 тага яқин академик-лицей ва касб-ҳунар коллежлари бунёд этилди. Улар замонавий мебель, ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютерлар билан тўла жиҳозланди. Бу айтишгагина осон. Лекин шуниси эътиборлики, юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Ваҳоланки, дунёнинг бошқа мамлакатларида бу кўрсаткич уч-беш фоиздан нарига ўтмас экан.

Шуларни ўйлар эканмиз, мамлакатимиз ёшларига Президентимизнинг ушбу сўзларини эслатгимиз келади: "Ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, бутун халқимиз сизларга ишонади, сизларни биз бошлаган буюк ишларнинг давомчилари, ҳаётдаги ҳақиқий таянчимиз ва суянчимиз деб билади".

Шерзод АҲМАТОВ

Ҳурматли юртдошлар!

ДАТ "Асака" банки 2008 йил — Ёшлар йили муносабати билан миллий ва хорижий валюталарда 31 турдаги омонат турларини таклиф этади.

ASAKA BANK

Жумладан:

Миллий валютадаги омонатлар

1. "БАХТИЁР ЁШЛИК" омонатининг энг кам миқдори — 200 000 сўм.

Сақланиш муддати — 1 йил.
Омонат бўйича йиллик 30% ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар коммунал, ўқиш ва бошқа тўловларни тўлаш учун йўналтирилади.

2. "СОҒЛОМ КЕЛАЖАК — 2008" омонатининг энг кам миқдори — 100 000 сўм.

Сақланиш муддати — 6 ой.
Омонат бўйича йиллик 27% ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра ҳар ойда берилиши мумкин.

Шунингдек, банк, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосидан тушган маблағлар ҳисобидан омонат турини таклиф этади.

3. "БАРАКА" омонатининг энг кам миқдори — 100 000 сўм.

Сақланиш муддати — 30 кун.
Омонат бўйича йиллик 30% ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра ҳар куни ёки омонат муддати тугагандан сўнг олиниши мумкин.

Хорижий валютадаги омонатлар

1. "ФОРТУНА" омонатининг энг кам миқдори — 1 000 АҚШ доллари.

Сақланиш муддати — 3 ой.
Омонат бўйича йиллик 10% ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра омонат очилган куни ёки ҳар ойда берилиши мумкин.

2. "ОМАД" омонатининг энг кам миқдори — 200 Евро.

Сақланиш муддати — 2 ой.
Омонат бўйича йиллик 8% ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра омонат очилган куни берилиши мумкин.

Ушбу омонат турларининг банкни барча филиалларида очиш мумкин.
ДАТ "Асака" банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.
Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-86-87, 120-82-60, 120-81-73.

ТАРИХИЙ ШАХСЛАР

Мангубердининг мангу сиймоси

Эрк ва ҳурлик учун курашган саркарда Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти орадан неча асрлар ўтса ҳам авлодлар учун ибрат бўлиб келмоқда. Туронзамин осмонида юлдуз каби порлаган бу зотнинг шонли йўли ватанпарварлик, миллатпарварлик ва эрксеварликнинг ёрқин тимсолидир.

* * *

Жалолиддин Мангуберди она диёримиз босқинчилар ҳужумига дучор бўлган оғир ва синовли даврда тарих саҳнасига чиқди. Салтанат парокандаликка юз бурган, юрт оғалари кўрқоқлик ва худбинлик йўлини тутган суронли йилларда Ватан эрки, шаъни ва шавкати учун курашди.

Жалолиддин Мангуберди асрлар ўтиб озод Ватанига қайтди. 1999 йили мамлакатимизда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Хоразм заминида буюк саркарданинг ёдгорлик мажмуи қад ростлади. 2000 йилнинг 30 августида Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ Жалолиддин Мангуберди ордени таъсис этилди. Айни пайтда мамлакатимиз мустақиллиги, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилишда юксак ҳарбий жасорат ва маҳорат кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар ушбу юксак мукофот билан тақдирланмоқдалар. Улуғ саркардага эҳтиром рамзи сифатида таъсис этилган мазкур орденга энг сўнгги бўлиб Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат идораларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара қатерлари алоҳида базаси сазовор бўлди. Ўзбекистон Президентининг бу ҳақдаги фармони жорий йилнинг 10 январида эълон қилинди.

Тарих бамисоли маёқ дейилади ҳикматларда. Дарҳақиқат, ўтмишда ўтган буюк сиймоларнинг ҳаёти авлодлар учун сабоқ ва ибрат ҳисобланади. Қуйида эълон қилинаётган лавҳада ҳам буюк саркарданинг беқиёс жасорат ва мардлиги, она Ватанга чексиз муҳаббати тасвирланади.

Дунё тарихидаги энг номдор саркардалар қаторида турувчи Жалолиддин Мангуберди каби жасур инсон ҳақида бирон сўз айтиш, каттами-кичикми илмий ёки адабий асар ёзиш ўта мушкул. Негаки, ҳар қанча гўзал ва бетакрор бўлмасин, улуғ саркарда шаънига айтилаётган сўзлар унинг шавкати олдида камдек туюлаверади. Жалолидин Мангубердининг ҳарбий ва сиёсий фаолияти мураккаб ва ўта зиддиятлидир.

Жалолиддин Мангуберди юрт бошига оғир кулфатлар солган мўғуллар босқинига қарши мардонавор кураш олиб борди. 1219 йили Чингизхон Ўрта Осиёга бостириб кирган пайтда мамлакат ҳукмдори Султон Алоуддин Муҳаммад қўрқоқлик ва нўноқлик йўлини тутди. Охир-оқибат Хоразмшоҳнинг хато сиёсати унга ҳам, юрт бошига ҳам мусибатлар келтирди. Ватан осмонида қора булутларнинг пайдо бўлиши Жалолиддин Мангуберди каби қалби юртга муҳаббат билан тўлган ўғлонни душманга қарши курашга чорлади.

Саркарда мўғулларга қарши жанг бошлаган кезларда бор-йўғи 300 суворий билан қолганди. Темир ирода, жасорат ва қатъият соҳиби бўлган Жалолиддин оз муддат ичида катта армия тузишга эришди. Қисқа фурсатда унинг ёвқур аскарлари сони кўп минг сонли қўшинга айланди. «Турон қоплони» номи билан тилга тушган саркарда Чингизхон қўшини устидан бир неча бор ғалаба қозонди. Ўзини жаҳон фотиҳи деб ҳисоблаган мўғул ҳукмдори бунга қадар мағлубият нималигини билмаган эди.

Жалолиддин Мангуберди бир неча йиллар давомида босқинчиларга қарши озодлик курашига бошчилик қилди. Хусусан, буюк саркарда ва Чингиз қўшини ўртасида Синд дарёси бўйида кечган муҳораба тарихий манбаларда алоҳида қайд этилган. Дарё бўйидаги уч кунлик жангда Жалолиддин юксак жасорат намунасини кўрсатди. Ўшанда саркарданинг матонати ва мардлиги рақиби Чингизхонни ҳам ҳайратга солганди. Мўғул ҳукмдори душманнинг зирҳ каби ҳимоясини ёриб ўтиб, асов Синд дарёсидан сакраб мўри малаҳдек босқинчиларга чап берган Жалолиддинга ҳавас билан боқиб ўғиллари шаҳзодадек бўлмоғини орзу қилган эди.

Кўҳна тарих гувоҳ, буюк саркардаларнинг аксарияти хиёнат қурбони бўлганлар. Хоразмшоҳлар сулоласининг сўнгги етакчисига ҳам яқинлари, энг ишонган кишилари вафо қилишмади. Юрт бошига оғир синовлар келган пайтда жуда кўп ҳарбий бошлиқлар қўрқоқлик йўлини тутишди, фақатгина ўз жонларини сақлаш дардига тушишди. Жуда катта мақсадларни кўнглига туккан саркарда яккаланиб қолди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, саркарда тоғ йўлларида қароқчи курдлар қўлига тушиб қолади. Улар одатдагидай султонни ҳам тутиб олишади ва ҳудди бошқаларни талаган каби бор-йўғини тортиб олишади. Шунда Жалолиддин талончиларнинг бошлиғига бундай дейди: «Мен ҳақиқатан ҳам султонман, менинг тақдиримни ҳал қилишга шошилма. Сен танлашинг мумкин: ё мени Майофориқиннинг ҳокими Музаффар Малик ҳузурига олиб бор – у сенга мукофот беради ёки мени мамлакатларимнинг бирига олиб бор – шунда сен амир бўласан».

Қароқчилар йўлбошчиси таклифнинг иккинчисини танлайди ва уни чодирда, хотинининг назоратида қолдириб, от топгани кетади. Чодир эгаси йўқлигида найза билан қуролланган яна бир ғаламис курд кириб келади ва саркарданинг жонига қасд қилади.

Жалолиддиннинг жасадини ўз одамлари топишади ва уни кечаси Майофориқин яқинида дафн этадилар. Узоқни кўра билган лашкарбошилар эса мўғуллар Хоразмшоҳнинг танасини ҳақорат қилмасин деб қабрни текислаб юборишади.

Жалолиддин Мангуберди қанча ўлкалар, қанча мамлакатларда аёвсиз жангларда қатнашди, ўлимларга чап берди. Аммо ҳаёт билан видолашиш мавриди келганда қудратли арслон ночор тулки панжалари остида жон берди. Қотил эса сўз билан ифодалаб бўлмас жиноятга қўл урди, заминни улуғ инсоннинг қони билан бўяди. Жалолиддиннинг ҳалокати мўғулларнинг ислом ерларини истило қилишларини тезлаштириб юборди.

Ўз халқининг озодлиги учун курашган буюк баҳодир ўғлоннинг номи эса эл юрагида қолди. Унинг жасорати мангу қадар улуғланадиган бўлди.

Тоштемир ЗАМОНОВ,
Қарши давлат университети ўқитувчиси.

ҲУҚУҚ

Тартиб бор жойда

Меҳнат интизомида муомала маданияти ва касб этикаси асосий омиллардан ҳисобланади. Қайси соҳа бўлмасин, ушбу тамойилларга амал қилинган жойда ривожланиш, олға силжиш бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2005 йил 7 апрелидаги 45-сонли буйруғи билан тасдиқланган йўриқнома ҳам шу каби ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларни мустаҳкамлашга қаратилган эди. Касб одобномаси ҳисобланган ушбу ҳужжатда прокуратура ходимларининг маънавий камолоти, ўз вазифасига виждонан ёндашиши ғоят муҳим эканлиги кўрсатиб ўтилган. Унда, шунингдек, прокуратура ходими ўз қасамёдига содиқ бўлиши, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашиши, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда фидойи бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланган.

Ҳуқуқшунослар ахлоқи ва одамийлигини бир меъёрда тутиб турувчи ушбу талаблар профессионал этика деб ҳам юритилади. Прокуратура органлари ходимларига ҳам қонунда қатъий талаблар қўйилганки, улар ўз хизмат вазифасини бажариш асносида зарур бўлган билим ва малакага эга бўлмоқлари, хизмат ваколатидан шахсий мақсадларда фойдаланмаслиги, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда холис бўлишлари керак.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳуқуқтартибот идоралари ходимларига нисбатан халқнинг фикр ва тушунчаси ижобий томонга ўзгарди. Энди улар илгаригидек қораловчи эмас, балки фуқароларнинг манфаат ва ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимояловчи, уларнинг яқин ҳаммаслаги сифатида одилона иш юритишяпти. Хизмат этикасига риоя қилиш эса уларнинг маънавий комиллигини ва халқимиз ишончини яна оширади.

Азамат ТОҒАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаменти Сурхондарё вилоят бошқармаси катта инспектори.

Эркин матбуот билан нурли истиқбол сари

(Бошланиши 1-бетда.)

Юқорида эътироф этганимиздек, ушбу анжуман Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан ўтказилди.

Конференцияни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов олиб борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул вакиллари, жамоат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари раислари, мамлакатимиздаги етакчи ахборот агентликлари ва босма нашрлар раҳбарлари, ҳудудий матбуот ходимлари, шунингдек, журналистика факультетлари ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, профессор Исмоил Саифназаров конференцияда журналистларимизнинг ўтган 2007 йилдаги фаолиятларига баҳо берар экан: "Ҳақиқатан ҳам, Ижтимоий ҳимоя йили давлат дастури бўйича амалга оширилган ишлар оммавий ахборот воситаларимизда кенг ва атрофлича ёритилди. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимлари бу йил ҳам Ёшлар йили мақсад ва вазифаларининг оташин тарғиботчилари бўлишларига ишончимиз комил", дея таъкидлади.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшлар потенциали юқорилиги ва шунга яраша уларга катта эътибор берилиб, кенг имкониятлар яратилаётганини якдиллик билан эътироф этишди. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов ҳар йил бошида босиб ўтилган йўлга бир назар ташлаб, истиқболни белгилаб олиш учун мана шундай йиғинлар ўтказиш яхши анъанага айланиб бораётганини таъкидлади. Анжуманда 2008 — Ёшлар йили мобайнида журналистлар нималарга эътибор қаратишлари лозимлиги ҳақида атрофлича муҳокама юритилди ва ОАВлар олдига қўйиладиган вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири матбуот котиби Шерзодхон Қудратхўжаев ёшларни соғлом ғоялар атрофида бириктириш, тўғри йўлга бошлаш борасида интернет нашрлардан фойдаланиш зарурлигини уқтирган бўлса, "Халқ сўзи" газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳмат нашрларда ёшлар учун алоҳида саҳифалар ташкил этиш тажрибасини илгари сурди...

Анжуман ишида Республика "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши раиси Акром Алимов сўз олиб, бугунги матбуот ва жорий йилнинг Юртбошимиз томонидан "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан галдаги энг муҳим вазифалар, ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик масалалари хусусида фикр юритди.

Конференциядан сўнг Жамоат фонди фаолиятининг 2007 йил якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Иштирокчилар томонидан бот-бот қайд этилганидек, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг ташкил этилиши миллий журналистикамиз тараққиётида бир босқич бўлди. Юртбошимиз Ислом Каримов: «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича мустақил жамоат фондини ташкил этилиши мамлакатимизда иқтисодий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлай оладиган, шу жумладан, хусусий ахборот воситаларини ўз ичига олувчи давлат ва нодалат оммавий ахборот воситаларининг яхлит тизимини шакллантириш жараёнини қўллаб-қувватлашга ёрдам беради», дея таъкидлаганди. Фонд бу мақсад йўлидан оғишмай фаолият юритиб келмоқда.

— Ўтган вақт давомида мақсадли дастурларимиз доирасида кенг қамровли ишлар олиб борилди, — дейди Фонд директори Жамолиддин Ҳакимов. — Бу вазифалар доирасидаги ишларни келгусида ҳам давом эттирамиз ва ҳар бир манфаатдор ташкилот ёки муассаса, шунингдек, мутахассислар билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Шу ўринда Фонднинг 2007 йилдаги фаолияти ҳам катта эътирофларга сабаб бўлганини айтмоқ жоиз. Мамлакат мустақил матбуотига қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитасининг ташаккурномаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Марказий ва ҳудудий нашрларнинг вакиллари ҳам ўз чиқишларида Фонднинг икки йилдан сал кўпроқ вақт мобайнида амалга оширган кенг миқёсли ишларига юқори баҳо бердилар.

ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИКСИЗ ИЖОДИЙ ЭРКИНЛИК БЎЛМАЙДИ

Фонд фаолиятининг асосий йўналишларидан бири Грантлар дастури бўлиб, унинг мақсад-вазифалари жамият учун ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамиятга эга медиа-лойиҳалар ва дастурларни қўллаб-қувватлаш; медиа-бизнес юритиш ва бошқа инновацион таклифларнинг янги услубларини жорий этиш; босма ОАВлари ходимларининг илғор ғояларини, ижодий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган. Дастур доирасида Фонд томонидан ҳар йили грант танловлари ўтказиб келинмоқда. Бугунги кунда 83 та газета, журнал, интернет нашри Фонд грантлари асосида лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Фонд директори Жамолиддин Ҳакимов бу ҳақда гапирар экан, грантлар асосида 4 мингдан зиёд ижтимоий аҳамиятга молик материаллар чоп этилгани, уларнинг умумий адади 30 миллион нусхадан ортиқни ташкил этганини мамнуният билан таъкидлади. Жамоат Фонди республикамизнинг қарийб барча ҳудудий ва марказий нашрлари фаолиятига эътибор қаратиб, уларга моддий ва техникавий ёрдам кўрсатиб, миллий ахборот бозоримизнинг кенгайишига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу мақсадда умумий қиймати 304,6 миллион сўмга тенг бўлган маблағ ажратилди. Грантолувчилар зарур техник жиҳозлар билан таъминланди. Яна бир гап. Миллий сегментда 80 дан ортиқ нашрнинг вебсайтлари ташкил этилиб, уларга интернет тамоғида фаолият олиб бориш учун имконият яратилгани ҳам таҳсинга сазовор ишлардан бўлди. Чунки бу бир томондан бутун дунё ахборот майдонида ўз ўрнимизни топишимизга омил бўлса, иккинчи тарафдан ахборот соҳасида мамлакат миллий манфаатларини ҳимоялашни таъминловчи интернет-ресурсларининг кўпайишига имкон яратади. Шу ўринда, Жамоат фонди томонидан ташкил этилган «Region Inform» ахборот хизмати (сайти – region.uz) ва «Region.uz» газетаси республикамизнинг барча ҳудудларини ахборот борасида қамраб олишга ҳаракат қилаётганини ва бунга бир мунча эришиб келаётганига ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқ лозим.

Босма оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий барқарорлигини ошириш ва ўз-ўзини таъминлашга йўналтирилган бизнес-режаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳудудий босма нашрлар учун 10 миллион сўм миқдоригача фоизсиз заём бериш бўйича танлов эълон қилинди. Унда таҳририят ёки ношрлари мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар республикада фаолият юритаётган барча оммавий ахборот воситалари иштирок этишга таклиф этилди.

Фонднинг асосий мақсадларидан бири — босма оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга ёрдам кўрсатиш ва шу орқали уларда эркин ижодий муҳит яратишга эришишдан иборат.

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Пировард натижага эришиш фақат иқтисодий таъминланганликкагина эмас, шу билан бирга, салоҳиятли кадрлар масаласига ҳам боғлиқ кечиши табиий. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси вице-спикери Хуршид Дўстмуҳамедов шундай дейди: «Таҳририятларни ўйлантирадиган энг катта муаммо, бу — кадрлар масаласи. Фонд бу борада катта ишларни амалга оширяпти. Журналистлар учун ўқув-машғулотлари, семинарлар ташкил қилиняпти, бош муҳаррирларнинг давра суҳбатлари ўтказиляпти. Бу тадбирлар фақат Тошкентда эмас, мамлакатнинг барча ҳудудларида амалга оширилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳамма вилоятларда Фонднинг қўли, нафаси сезилиб туради. Фонд ҳудудлардаги оммавий ахборот воситаларига янги руҳ олиб кирмоқда».

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистлар малакасини ошириш, улар орасида тажриба алмашиш, ёш кадрларни тайёрлашга ёрдам кўрсатиш, илмий-амалий семинарлар ташкил қилиш хусусида ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, 2007 йилнинг 23 май куни ўтказилган «Босма ва интернет нашрларда репортаж: жанр хусусиятлари ва амалиёт» мавзусидаги семинарда журналистик фаолиятнинг бу муҳим жанри асослари ва бугунги матбуот саҳифаларида чоп этилаётган репортажлар сифати ҳақида сўз юритилиб, таниқли журналистлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Репортаж тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида мунозара бўлиб ўтди.

Йил давомида Фонд томонидан ташкил этилган «Мамлакат босма ОАВ фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти ва интернет ресурсларини ривожлантириш омиллари», «Босма ва интернет нашрларда ижтимоий-сиёсий мавзуларнинг ёритилиши: муаммо ва ечимлар», «Бугунги босма нашрларда масъул котибнинг ўрни ва вазифалари» каби илмий-амалий семинарларга назариётчи олимларнинг ҳам жалб этилгани журналистлар учун кўп жиҳатлари билан фойдали бўлди. Ташкилот соҳадаги кадрлар тақчиллиги муаммосига ечим топишда ўз йўлидан бормоқда. Айни пайтда Фонднинг бевосита ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан Нукус, Андижон, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг етакчи таҳририятлари қошида ташкил этилган журналистик маҳорат марказларининг дастлабки ўқув курсини 120 нафар тингловчи битирди. Бу мазкур вилоятлар босма нашрларининг 60 нафар ходими ўз малакасини оширди ва яна 60 нафар журналистикага қобилияти бор ёшлар илк мактабни ўтади демакдир. Бу — вилоятлардаги тажриба.

Пойтахтда эса асосий эътибор талаба-журналистларга қаратилган. Журналистика факультетлари талабалари учун мамлакатимизнинг нуфузли оммавий ахборот воситалари қошида маҳорат мактаблари ташкил этилишига кўмаклашиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Асосий машғулот жараёнларига 2-3 босқич талабалари жалб этилиши назарда тутилган. Жумладан, Фонднинг бевосита кўмагида «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталари таҳририяти қошида ташкил этилган илк маҳорат мактаби айни пайтда ўз фаолиятини муваффақият билан олиб бормоқда. Ҳалим Саидов, Назира Тошпўлатова сингари назария ва амалиётни мужассамлаштирган тажрибали мураббий-журналистлар 30 дан ортиқ талабага сабоқ бермоқда. Фонд бу йўналишдаги фаолиятини давом эттириб, «Жамият», «Uzbekistan Today», «Бизнес Вестник Востока» газеталари ва «Туркистон пресс» нодавлат ахборот агентлиги қошида ҳам маҳорат мактаблари ташкил этиш мақсадида 25 миллион сўм маблағ ажратди. Бир йил давомида мазкур маҳорат мактабларида жами 180 га яқин талаба таҳсил олиши кўзда тутилган.

Маҳорат мактаблари тингловчилари аллақачон мустақил ижодий ҳаётга йўлланма олишган. Уларнинг ижод намуналари газеталарда алоҳида рукн остида бериб борилмоқда. «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталарининг маҳорат мактаби битирувчилари ҳақиқий йўлланмани анжуман доирасида ўтказилган тантанали маросимда қабул қилиб олишди. 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳудудий бўлимлари қошида матбуот марказлари ташкил этиш лойиҳаси Жамоат фонди томонидан қўллаб-қувватланиб, марказнинг ҳудудий бўлимларига грант сертификатлари топширилди.

Журналистик маҳорат марказларининг ўтган даврдаги фаолияти тингловчилар учун махсус қўлланмалар яратиш зарурлигини кўрсатди. Ҳозирги кунда бу йўналишда ҳам ишлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг журналистика факультетлари олимлари, тажрибали мутахассислар жалб этилиб ўқув қўлланмалари устида ишланмоқда. Саъй-ҳаракатларнинг дастлабки маҳсули — «Босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун қўлланма» китоби анжуман иштирокчиларига тақдим этилди.

РАҒБАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА УНДАЙДИ

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларда мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, журналистларнинг профессионал маҳорати ва ижодий фаоллигини ошириш мақсадида «Жамият ва мен», «Келажак овози» танловини энг яхши ёритганлиги учун», «Матбуотимиз маликаси» каби танловлар ўтказиб келинмоқда. Уларнинг миқёси йилдан-йилга кенгайиб бораётир. Анжуманда ғолибларини тақдирлаш тантаналари ўтказилган «Эътироф – 2007», «Менинг Конституциям» танловлари бу йил ҳар галгидан қизғинроқ кечди. «Менинг Конституциям» танловига 400 га яқин материаллар билан 30 дан ортиқ журналист қатнашди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати улар орасидан турли номинациялар бўйича ғолибларни аниқлашди. «Энг яхши таҳлилий материал» йўналишига «Маърифат» газетаси бўлим муҳаррири Ойбуви Очилова лойиқ топилган бўлса, «Энг яхши интервью» учун «UzReport.com» ахборот портали бош муҳаррир ўринбосари Беҳзод Ҳожиматов тақдирланди.

«Эътироф — 2007» танлови эълон қилинганидан буён 30 га яқин таҳририят иштирок этиш истагини билдирган. «Энг яхши ахборот агентлиги» мукофоти «Жаҳон» ахборот агентлигига насиб этди. «Жамият» газетаси «Энг яхши ижтимоий-сиёсий газета» деб топилди. «Энг яхши тармоқ нашри» номинацияси бўйича «Маърифат», «Энг яхши туман газетаси» йўналишида эса «Чағониён» газетаси ғолиб бўлди. Шундай қилиб, «Босма нашрларнинг энг яхши веб-сайти» («Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана»), «Энг яхши спорт нашри» («Интерфутбол»), «Энг яхши болалар нашри» («Класс»), «Газета/журналларнинг энг яхши дизайни» («ZooM» журнали) номинациялари бўйича ҳам ғолибларга мукофотлар топширилди.

Тадбир сўнгида Фонд раҳбари Жамолиддин Ҳакимов сўз олиб, бу конференция биринчи босқичи эканлиги, унинг давоми анжуманда кўриб чиқилган масалаларни жойлардаги ОАВлар фаолиятига татбиқ этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилишини маълум қилди. Демак, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди фаолиятининг таҳсинга сазовор ишлари бу йил ҳам бардавом бўлади.

Улуғбек МАҲКАМОВ,
«Ҳуррият» мухбири.

ХАБАР

Бўлажак журналистлар учун анжуман

Пойтахтимизда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида семинар бўлиб ўтди.

«Ёшлар йили» муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирда миллий ассоциацияга аъзо ҳудудий телестанцияларнинг Ахборот маркази лойиҳасида иштирок этувчи журналистлар, ҳудудий газеталар бош муҳаррирлари, "Келажак овози" ЁТМнинг вилоят бўлимлари етакчилари, журналистика факультетлари ўқитувчи ва талабалари иштирок этишди.

Семинар давомида қатнашчиларга "Ёш ижодкорлар студияларини ташкил этиш" ва "Ёшлар матбуот марказларини ташкил этиш" лойиҳалари хусусида зарур маълумотлар берилди. Ушбу лойиҳалар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган ёшлар ҳаётини кенг ёритиб бориш, ОАВ йўналишига қизиқувчи ёшларнинг ижод қилишига керакли шарт-шароит яратиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Тадбир давомида ёш журналистлар клубини ташкил этиш, "Келажак овози" ЁТМнинг республика ва вилоят бўлимларида ёш журналистлар гуруҳи фаолиятини ривожлантириш, ҳар бир вилоят ҳамда пойтахтда фаолият олиб бораётган клубларни зарур техник ускуналар билан таъминлаш масаласи ҳам муҳокама этилди.

Семинарда журналист ва техник ходимлар икки гуруҳга бўлинган ҳолда амалий машғулотларни ўташди. Тадбирда келажак фаолиятини журналистика билан боғлаш ниятида бўлган ёшлар ўзаро тажриба ва маҳорат алмашув имконига эга бўлишди.

Севара ЖАББОРОВА

Йод муаммоси

(Бошланиши 1-бетда.)

— Йод танқислиги қачондан бошлаб пайдо бўлди ва ҳозирда буқоқ касаллигининг қандай турлари аниқланган?

— Йод етишмовчилиги азалдан бор, лекин буқоқ касаллиги сўнгги йилларда сезиларли равишда инсонлар саломатлигига салбий таъсир қилмоқда.

Бунга асосий сабаб профилактиканинг камлигидир. Шу боис унинг ҳар хил — тарқоқ, тугунли, аралаш, заҳарли каби турлари тез-тез учраб туради. Бу касаллик аввал 35 ёшдан ошган кишиларда учрар эди. Ҳозирда ҳатто 16 ёшли ўсмирлар ҳам шикоят қилиб келишмоқда.

— Уни даволашнинг қандай самарали усуллари қўлланилмоқда? Йодланган тузнинг қандай фойдали жиҳатлари бор?

— Буқоқ касаллиги билан оғриган беморларни даволашнинг турли хил йўллари мавжуд. Бироқ, бу усуллар ҳар доим ҳам тўлиқ фойда беравермайди. Шунинг учун буқоқ пайдо бўлмасдан аввал таркибида йод бўлган маҳсулотларни истеъмол қилиб бориш керак.

Йоднинг организм учун аҳамиятли жиҳатлари кўп. У организмнинг ривожланиш даврини тўғри йўлга қўяди, бош миянинг ривожланиши, барча органларнинг тўғри шаклланишига ёрдам беради.

Болалар организмида йод танқислиги уларнинг ақлий ривожини 20 фоизгача пасайишига олиб келади, касалликларга қарши курашиш қобилияти (иммунитет)ни кучсизлантиради. Ана шу муаммоларга дуч келмасликнинг энг самарали усули — йодланган туздан фойдаланишдир.

Йодланган туз — саломатлик ва ақлий ривож гарови. Уни дўкон ва савдо мажмуаларидан сотиб олиш мумкин. Бироқ, ана шу тузлар қай даражада талабга жавоб беряпти? Бунинг учун харид чоғида уни синчиклаб кўриб, туз қадоқланган халтачага "йодланган" деб ёзилган бўлсагина олиш керак. Қолаверса, сотувчидан маҳсулотнинг сифат сертификатини талаб қилиш лозим.

Йод учувчан элемент ҳисобланади. Шунинг учун йодланган тузни зич ёпиладиган идишда сақлашни маслаҳат бераман. Шуни унутмангки, калий йодид билан йодланган тузнинг яроқлилик муддати 3 ой, калий йодиди билан йодланган тузнинг яроқлилик муддати эса бир ой. Йодланган тузни сотиб олиш ва сақлаш вақтида шу жиҳатларга этибор бермоқ керак.

Йодланган тузни каттаю кичик, барча бирдек истеъмол қилиши лозим. Буқоқ касаллиги безовта қилган беморлар ҳар доим, албатта шифокор тавсияси билан "йодид", "йодмарин", "йодбаланс" каби дориларни мунтазам ичиб юриши шарт. Ушбу дориларнинг таркиби деярли бир хил. Шу боис буқоқнинг турига қараб улардан бири тавсия этилади. Яна бир қўшимча маълумот сифатида, Тошкент фармзаводида "микройодид", "антеструмин" каби таркибида йод элементи кўп миқдорда бўлган янги турдаги дорилар ишлаб чиқарила бошланганини айтиш жоиз. Уларнинг нархи ҳам чўнтакбоп.

Муаммо шундаки, арзон бўлгани учун кўп дорихоналарда сотилмайди. Аслида бу дорилар ҳамма дорихоналарга олиб келиниши зарур. Шундагина аҳоли саломатлиги йўлида ва соғлом авлоднинг камол топиши учун ижобий самара берган бўлар эди.

Зебо АБДУҚОДИРОВА

IPOTEKA BANK

Капиталингиз кўпайишига имконият яратамиз

Аҳолининг аксарият қисми учун банк омонатлари пул маблағларини ишга солишнинг энг жозибали ва ишончли усули ҳисобланади.

Ипотека – банкда мижозлар учун пул маблағларини сақлашда ўзларига энг маъқул ва мақбул шартлар ҳамда таклиф қилинадиган омонатнинг даромад ҳажмини танлаш имконияти яратилган.

Бугунги кунда Ипотека – банк Сизларга қуйидаги омонат турларини таклиф этади.

Омонат тури	Омонат муддати	Омонат фоиз ставкаси	Омонатнинг энг кам миқдори (сўм)	Омонатга ҳисобланган фоизни тўлаш тартиби
Хазина	3 ойгача бўлган муддатга	20 %	10 000	омонат қайтарилаётганда бирга тўланади
Зиё	15 кун, 1 ой, 45 кун, 2 ой	26 %	500 000	омонат қайтарилаётганда бирга тўланади
Қадрият	3 ой	24 %	50 000	омонат қайтарилаётганда бирга тўланади
Адолат–2	6 ойга 12 ойга 18 ойга	24 % 26 % 28 %	100 000	ҳар ойда олиш мумкин

Маълумот учун телефонлар:
(8–371) 150–89–56
(8–371) 150–89–58

info@ipotekabank.uz
www.ipotekabank.uz

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш фонди томонидан кафолатланган

Хизматлар лицензияланган

ЖАРАЁН

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Биологик хилма-хиллик

уни асраб-авайлашга ҳамма масъул бўлмоғи керак

Маълумки, одамзот азал-азалдан табиатга ғамхўр бўлишни юксак фазилат деб билган. Сир эмаски, юртимиз ўсимлик ва ҳайвонот оламининг хилма-хиллиги бойлигимизнинг ажралмас қисми. Мазкур бойлик бир неча минг йиллик эволюция давомида юзага келиб, аждодларимиз томонидан бизга қолдирилган улкан меросдир.

Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси атроф-муҳит мониторинги ва кадастри гуруҳи бошлиғи Ислом Ҳушвақтов билан бўлган суҳбатимиз ана шу мерос, унинг бугунги аҳволи ҳамда айрим жонзотларнинг Қизил китобдан ўрин олиши хусусида бўлди.

— Ислом Нортошевич, айни кунда мамлакатимизда фауна (ҳайвонот олами) хилма-хиллиги ва унинг қисқариши сабаблари борасида тўхталиб ўтсангиз...

— Афсуски, сўнгги бир неча йиллар давомида Ўзбекистон табиатининг хилма-хиллигига сезиларли даражада путур етказилди. Аввалambor, у собиқ иттифоқ даврида марказлашган режа асосида йирик қишлоқ хўжалиги ва саноат лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ эди. Ўша вақтда уларнинг атроф ва ижтимоий муҳитга бўладиган таъсири эътибордан четда қоларди. Бундай режалаштиришга Ўзбекистонга асосан арзон қишлоқ хўжалик ва геологик хомашё етказиб берувчи ички база сифатида қаралганидир. Афсуски, буларнинг барчаси мамлакатда экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келди.

Қишлоқ хўжалигида пахта яккаҳокимлиги устуворлиги, ирригация мақсадида ташқи зарар келтирувчи таъсирларга монанд чўл ҳудудларининг кенг миқёсда ўзлаштирилиши — Орол денгизи экологик ҳалокатига, Жанубий, Марказий ва шимоли-ғарбий минтақалардаги ерларнинг иккиламчи шўрланишига, тарихан шаклланган сув экотизимларининг ўзгаришига, сунъий ташлама сув ҳавзалари тармоқларининг ҳосил бўлишига, атроф-муҳитнинг ўта хавфли дефолиантлар ва пестицидлар билан заҳарланишига олиб келди. Бу омиллар эса ўз навбатида чўллардаги ноёб, баъзи хусусиятлари бўйича бетакрор биологик мажмуаларнинг, хусусан, Фарғона чўли, текислик дарёлари ўзанларидаги тўқайзорларни, Амударё дельтаси сингариларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Собиқ иттифоқда замонавий ускуна, техника ва технологиялар таъминотисиз газ қазиб олиниши ва унинг экспортини жадаллаштирилиши — Устюрт ясси текислиги ҳамда шимоли-ғарбий Қизилқумнинг ғоят нозик экологик тизимларининг биологик таназзулга юз тутишига сабаб бўлди.

Ўз навбатида юртимиз фаунаси жуда қадимий бўлиб, у мураккаб генетик ришталар билан боғланган. Бу ўлка Турон ва Туркистон эндемик ва автохтон турларининг аҳамияти катта. Шунингдек, ўтмишда бу ерга Марказий Осиёдан, Ҳинди-Хитойдан, Ўрта Ер денгизи атрофларидан, Евроосиё чўлларидан кириб келган ҳайвон гуруҳларининг муайян ўрни мавжуд. Ҳайвонот оламининг яна бир қисми эса Узоқ Шарқ, Кавказорти, Европа ва Америкадан олиб келиниб, иқлимлаштирилган ёки тасодифан келиб қолган турлардан иборат. Умуман олганда бугунги Ўзбекистон фаунасида умуртқали ҳайвонларнинг 677 тури (сутэмизувчилар — 108, қушлар — 432, судралиб юрувчилар — 58, амфибиялар — 2 ва балиқлар — 77) мавжуд. Умуртқасиз ҳайвонлар турлари эса 15 мингдан зиёдни ташкил этади.

Сўнгги ўн йилликлар давомида, табиатдан фойдаланишнинг кучайиши боис юртимиздаги кўплаб ҳайвон турлари антропоген таъсир остида қолиб, уларнинг яшаш жойлари ва сони қисқарди, айримлари эса ҳатто бутунлай йўқ бўлиб кетди. Айниқса ов объектлари сифатида амалий аҳамиятга эга бўлган сут эмизувчилар ва қушларнинг йирик турлари, шунингдек инсон томонидан аёвсиз ўзлаштирилаётган, ташқи таъсирга чидамсиз экотизимларнинг тарқалиши чекланган. Эндемик турлари эса катта хавф остида қолди. Жумладан, турон йўлбарси, гепард, туркман қулони, Орол сулаймон балиғи сингари ҳайвонлар йўқ бўлиб кетди. Қоплон, сиртлон, Сирдарё ва Амударёнинг кичик ва катта қурак бурунлари, Орол бахриси каби жониворлар йўқ бўлиш арафасида. Устюрт ва Бухоро қўйлари, морхўр, қорақулоқ, оқбош ўрдак, мармар чуррак, йўрға тувалоқ, оқбовур, хонтоғ тўғаракбоши, Орол мўйлабдори, чўртансифат оққайроқ, айрим моллюска ва ҳашаротларнинг йўқ бўлиб кетиш хавфи юқори. Буларнинг шу ҳолга келиб қолишига ҳудудларнинг хўжалик мақсадларида ўзлаштирилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, биологик ресурслардан меъёрсиз фойдаланилиши сабаб бўлмоқда.

— Юртимизда ноёб ҳайвон ва қушларни асраш, муҳофазалаш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Сўнгги йилларда бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикада ташкил этилган олтита тоғ (Ҳисор, Зомин, Китоб, Нурота, Сурхон, Чотқол), учта чўл-тўқай (Қизилқум, Бадай-Тўқай, Зарафшон) қўриқхоналари, иккита миллий боғ (Зомин, Угом-Чотқол), тўққизта буюртмахона (Арнасой, Денгизкўл, Қорақир, Қорақўл, Қарнабчўл, Қўшрабод, Сайғоқли, Сармиш, Судочье) ва 2 та табиий ёдгорлик (Вардонзе, Ёзёвон)дан иборат экологик тармоқ ҳайвонот оламининг мажбурий муҳофазасига ва унинг ресурсларидан барқарор фойдаланишга хизмат қилмоқда. Қолаверса, нафақат республикада, балки, бутун минтақада ягона, камёб ҳайвонларни кўпайтириш, уларни сақлаш билан шуғулланувчи «Жайрон» экомаркази ҳам алоҳида муҳофаза ҳудуди саналади.

Жумладан, «Камёб ҳайвонлар турларини кўпайтириш «Жайрон» экомаркази (Бухоро вилояти)да олиб борилаётган изланишлар ижобий самара бермоқда.

Бу ерда кўпайтириш салоҳияти, жайрон болаларининг ўсиш ва ривожланиши бўйича назорат ишлари олиб борилмоқда. Сунъий боқиш мақсадида 16 та жайронча келтирилган эди. Айни вақтда уларнинг ривожланиш ҳолати яхшилиги кузатилмоқда. Экомарказда, шунингдек, Бухоро қўйини кўпайтириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Ёввойи ҳайвонлар сони бўйича ўтказилган сўнгги ҳисобга кўра, экомарказда ҳозирда жайронлар сони 549, қулонлар — 55 ва Преживальский отлари — 35 тадан иборат.

Ҳисор давлат қўриқхонасида эса сўнгги 5 йил давомида алоҳида камёб ҳайвонлар тўдаси, яъни илвирс 16 тадан 19 тага, силовсин 84 тадан 121 тага ва айиқ 103 тадан 158 тага кўпайган. Бухоро вилоятининг Пешқу тумани ҳамда Навоий вилоятида ҳозирда ноёб бўлиб Қизил китобга киритилган йўрға-тувалоқни кўпайтириш бўйича 2 та парваришхона барпо этилиб, ишга туширилди. Қўриқхоналарда Қизил китобга киритилган Бухоро буғуси, морхўр, Қизилқум архари, кўк суғур, туркистон силовсини сингари ҳайвонлар, йирик йиртқич қушлар ва ҳашаротлар муҳофаза остига олинган.

— Айтинг-чи, фауна хилма-хиллигини сақлашнинг қандай қонуний-меъёрий асослари мавжуд?

— Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунчилик тобора такомиллашиб бормоқда. Бу борада бир неча қонун ва қарорлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Ва бу ҳолат ҳали ҳам давом этмоқда. Натижада соҳадаги халқаро ҳамкорлик уйғунлашиб, жамоатчиликнинг экологик муаммоларга бўлган эътибори ортиб бормоқда. Йилдан-йилга нодавлат жамоат экологик ташкилотлари тармоқлари кенгайяпти. Улар аҳоли орасида экологик тафаккурни шакллантириш ҳамда ёввойи табиатни сақлаш борасида давлат муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилаётир.

Ҳайвонларнинг ҳар бир тури — табиатнинг бетакрор генетик жиҳатдан ягона, ҳар қандай биологик ҳамжамоада фақат ўзига хос ўринга ва унинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган инъомдир. Шундай экан, уни асраб-авайламоғимиз, келажак авлодга мерос қолдирмоғимиз лозим.

«Ҳуррият» мухбири Наргиза ПИРНАЗАРОВА суҳбатлашди.

МУНОСАБАТ

Матбуотимиз равнақи: ким қандай фикрда?

1. Матбуотимизни янада ривожлантириш уфқини қайси ўлчамларда кўрасиз?

2. Ўзбек матбуотида танқид қандай ўрин тутиши керак, деб ўйлайсиз?

3. Иш фаолиятингиздан қониқасизми?

Абдумажид АЗИМОВ, «Моҳият» газетаси бош муҳаррири:

1. Матбуотимизнинг бугунги ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, унинг бундан ўн-ўн беш йил илгаригига қараганда ниҳоятда ривожланиб кетганини кўрамиз. Ҳам мазмун-моҳияти, ҳам техник жиҳатларини назарда тутяпман. Республикада 900 дан ортиқ газета-журналларнинг нашр этилаётгани ҳам сўзимизга исбот бўла олади. Бироқ, гап газета-журналларнинг саноғида эмас. Гап бизга қандай матбуотнинг зарурлигида. Негаки, айни вақтда ижтимоий-сиёсий, адабий маърифий йўналишдаги мустақил газеталар ҳамда туман, вилоят ҳокимликлари ва тармоқларнинг адади чекланган нашрларидан ташқари, аксарият газеталар кўнгилочар йўналишда чиқмоқда. Бундай йўналишдаги газеталарнинг адади ҳам анча салмоқли. Эндиликда ушбу нашрларнинг савияси, мазмун-мундарижасини ўйлаб кўриш керак. Бу билан нима демоқчиман? Демакки, матбуотни ривожлантириш деганда, газета чиқаришни эмас, балки аҳолининг кенг қатламларини том маънодаги юксак дидли газеталарга айлантиришни тушунмоғимиз лозим. Газетхонларнинг ижтимоий-сиёсий йўналишдаги газеталарнинг қизиқарли, ўқишли чиқмаётганлиги ҳақидаги фикрларини ҳам ўйлаб кўриш керак. Мавзулар саёзлиги, журналистларнинг бирор бир соҳада пухта билимга эга эмасликлари ҳам матбуотга қизиқишга тўсиқ бўлаётир.

2. Танқид қандай бўлиши лозим? Албатта, танқид барча цивилизациялашган, демократик жамиятлардаги каби ҳаққоний, холис, адолатли бўлиши лозим. Зеро, танқид соғлом, холис ниятда бўлсагина, албатта, унинг самараси бўлади. Умуман олганда эса танқид муросаи мадора дегани эмас. Танқид аччиқ бўлиши турган гап. Лекин бунга ҳам ўрганишимиз лозим. Бугун биз фуқаролик жамиятини қураяпмиз. Бу жамиятни шакллантиришда соғлом, холис танқиднинг ҳам ўз ўрни бўлиши табиий. Яна такрор айтаман, танқид бировнинг устига мағзава ағдариш эмас, балки бирон бир сабабга кўра юз берган хато ёки камчиликни тузатиш учун бўлиши лозим. Шу маънода матбуотда ҳамма вақт танқиднинг ўз ўрни бўлади. Ва у жамиятни соғломлаштиришга, юксалтиришга хизмат қилиши лозим.

3. Иш фаолиятимдан ҳам қониқаман, ҳам қониқмайман. Қониқадиган жиҳатим, аксарият ҳолларда мухлисларнинг «Моҳият» газетаси шаънига айтаётган илиқ гаплари. Қониқмайдиган томонига келсак, барча матбуот нашрларидаги каби бизда ҳам кам-кўстлар етарли. Биз қаламкашларнинг газетхонлар олдидаги қарзларимизни назарда тутсак, ҳали кўп ишлар қилишимиз лозим.

Йўл бўлсин, йўловчи?

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Ҳаммамиз ҳам яхши ният билан йўлга чиқамиз. Узоғимизни яқин қилишда эса, албатта, жамоат транспортларидан фойдаланамиз. Аҳолининг бу борадаги эҳтиёжини қондириш хизмат кўрсатувчилар зиммасига каттагина масъулият юклайди. Йўловчиларнинг ўз манзилига бехатар етиб боришига, аввало, ҳайдовчилар жавобгар ҳисобланади. Хўш, мана шу жавобгарликни жамоат транспорти ҳайдовчилари қай даражада ҳис қилишмоқда? Бу ҳақда одамлар нима деяптию ҳайдовчилар қандай фикрда?

Зиёдулло Нормуродов олган сурат.

Янги йил олди Қашқадарёга кетиш учун Тошкент отчопари ортидаги автомобиллар тўхташ жойига бордим. Тошкент — Қарши йўналишида қатнайдиган шахсий автобуслардан бирига бош суқдим. Саломлашиб улгурмасимдан қорачадан келган йигит аврай кетди:

— Қаергача борасиз, ука? Яхши жойларимиз бор. Оёқ узатиб кетасиз. Телевизор, DVD бор...

— Қанчадан кетаяпсизлар ўзи?

— Йигирма минг сўмдан.

— Шаҳрисабзгача-чи?

— Фарқи йўқ. Йигирмадан камига бўлмайди.

— Давлат автобусларида масофасига қараб нарх қўяди-ку. Яна сизларникининг ярим пулига Қаршигача борса бўлади.

— Бизнинг хизмат давлатники эмас, шахсий! Пулини чиқаришимиз керак. Ёқмаса, ана, бошқасига боринг.

Бошқасига бордим. Йигирма минг сўмдан бир тийин ҳам тушмади. Кейин учинчисига. У ерда ҳам шу аҳвол. Шундан сўнг тушундимки, бу ерда ҳайдовчиларнинг "тили бир" экан. Ҳаммага мижоз ҳам, фойда ҳам тенг. Мабодо, кимдир кўпроқ йўловчи олиш ва автобусни тезроқ тўлдириш умидида йўлкирани сал арзонлатса, шу заҳотиёқ, "нархни синдирганликда" айбланиб, сафдан чиқариларкан.

Хуллас, автобусчилар билан келиша олмагач, нарирокдаги автомобиллар қаторига ўтдим. Секин қулоқ солсам, "Нексия" ҳайдовчилари бир киши учун 45-50 минг сўм сўраяпти. Талашиб-тортишганларни зўрға 40 минг сўмдан олиб кетаяпти.

Беш-олти ҳайдовчи билан гаплашиб, савдоси пишмаган бир отахон охири ёрилди:

— Сизлар ҳам сал инсофга келинглар-да, энди. Қирқ минг дегани биз учун катта пул. Неварам икковимизга 80 минг сўм сўрашларингиз тўғри эмас. Харажат остида қилаётган бўлсанг, тушунардим. Шу йўлга 30 минг сўмлик ҳам бензин ёқмайсан-ку.

— Бензин неча пул бўлганини биласизми, бобо? — деди унга жавобан бир ҳайдовчи. — Кўтарса, биз ҳам ҳайдайверардик.

— Қўйсангиз-чи, ака, — луқма қилди яна бир йўловчи. — Ҳозир ҳаммаларингиз газ ўрнатиб олгансизлар. Бензиннинг ярим пуличаям чиқмайди. 35 мингдан олиб кетсангиз ҳам анча фойда қолади.

— Сиз айтган нархда "Истана"лар (микроавтобус демоқчи — А.С.) юряпти, — деди бояги ҳайдовчи пинагини бузмай. — Фақат бензин пули чиқиши учун юрганимиз йўқку. Беш-ўн минг сўм топайлик деб, яхлаган йўлларда жонимизни хатарга қўйиб юрибмиз...

Шаҳарлараро йўллар қанчалик хатарли бўлса, улар шунчалик кўп ишлашади. Байрамолди кунларида ёки қор оқибатида қатнов тўхтатилганда хусусий киракашлар учун "сезон" бошланади. Тиғиз вазиятда қолган одамларни икки-уч баравар баланд нархда ҳожатини чиқаришади.

Хуллас, бир амаллаб манзилимга ҳам етиб олдим. Тошкентга қайтишимизда яна бир қизиқ ҳодиса юз берди. Йўлда 50 ёшлардаги бир аёл чуқур-чуқур нафас ола бошлади. Ёнидаги одамнинг тинмай елпиши, юзларига сув сепиши ҳам кор қилмади. Бироздан сўнг аёлнинг аҳволи баттар ёмонлашди. Одамлар бақир-чақир қилиб, автобусни тўхтатишди. Ҳайдовчидан "Аптечка" сўрашди. Лекин биронта ҳапдори ҳам топилмади.

Ноилож, эшик-дераза ларни очишди. Совуқ ҳаво урилса ўзига келар, деб люкларни-да кўтариб қўйишди. Ташқарида эса қатирлаган қиш!

Шу алфозда 20 дақиқача ўтирдик. Совуқ одамларнинг жонидан ўтиб кетди. "Ҳайданглар энди, — маслаҳат солди биров, — ошхонага борайлик, бирон нима қиламиз". Аксига олиб, йўл бўйидаги ошхоналарда на тиббий хизмат пункти, на дорихона бор экан.

Кейин ўйлаб қолдим. Шу ошхоналар кечаю-кундуз ишлайди. Турли ёш, турли ҳолатдаги йўловчиларга хизмат қилади. Шундай экан, мижозларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилса бўлмасмикин? Масалан, буфетларда сақичдан тортиб, спиртли ичимликларгача сотилади. Шуларнинг ёнида ҳеч бўлмаса, қон босимини туширадиган, кўнгил айнишини қолдирадиган ёки гриппга қарши дориларни сотса бўлади-ку. Қолаверса, улардан фойдаланиш учун шифокор кўрсатмаси ҳам шарт эмас.

— Мен ҳар куни "Тошкент — Чирчиқ" тезюрар автобусида юраман, — дейди Лобар Раҳимжонова. — Мазкур йўналишда йўловчи шу қадар кўпки, олма ташласангиз, ерга тушмайди. Ҳайдовчиларнинг нафси ўпқондай шекилли 50 кишига мўлжалланган бу автобусга 80 кишини ҳам «сиғдириб» олаверишади.

Тунов куни кондуктор билан бир аёл тортишиб қолди. Аёл йўлкира узатса, чиптачи йигит, "мунча берасан" деб туриб олди. Бир муросага келолмагач, ҳайдовчи бояги аёлнинг бекатида тўхтамай ўтди. "Тўхтатинг! Автобусни тўхтатинг!" деб бақиришига ҳайдовчи ҳам, чиптачи йигит ҳам парво қилмади.

— Шунга ўхшаш воқеалар бу йўналишдаги автобусда кўплаб учраб туради, — сўзида давом этади суҳбатдошимиз. — Негаки, унинг салонига "Йўналиш харитаси" илиб қўйилмаган. Ҳайдовчилар ўзлари хоҳлаган жойда тўхтайдилар. Йўл ҳақи нархи ҳам аниқ ёзиб қўйилмаган. Чиптачилар хоҳласалар 200 сўм, хоҳласалар 300 сўм олаверади...

Президентимизнинг "Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, турли мулкчилик шаклидаги йўловчи ташувчилар ўртасида рақобат муҳитини яратиш, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, йўловчи ташишлар бўйича буюртмачи ва пудратчи вазифаларини аниқ белгилаш, шунингдек, ҳайдовчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Фармонга кўра, "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси ташкил этилди. Мазкур уюшма ўз таркибига пойтахт йўловчи транспорти тизимида фаолият юритаётган барча мулк шаклидаги хўжалик субъектларини бирлаштирди. Бу, ўз навбатида, йўловчилар эҳтиёжини тўла қондириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўналишларда бир маромда ва ишончли қатновни назорат қилиш имконини берди. Лекин шаҳарлараро йўналишларда-чи?

Тошкент шаҳар Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментининг маълумотларига қараганда, айни пайтгача пойтахтимизда тижорат асосида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи элликдан зиёд юридик мақомга эга корхона ташкил этилган. Уларга мингдан ортиқ фуқаро аъзо бўлиб кирди ва тижорат асосида йўловчи ташиш ҳуқуқини берадиган лицензия олди.

Яъни, жисмоний шахслар ёки якка тадбиркорларнинг автомобилларда йўловчи ташиш фаолияти ноқонуний деб ҳисобланди. Бу борада қоидаларни бузган фуқароларга эса чора кўрилиши белгиланди. Мисол учун, лицензиясиз йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан суд орқали энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 150 баробаригача миқдорда жарима солинади. Агарда маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг бир йил мобайнида яна шундай ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилса, йўловчи ташиш транспорти ҳуқуқбузарлик воситаси сифатида мусодара қилинади. Бунга йўл қўйган шахс қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Масалан, меъёрий ҳужжатларда кўрсатилганидек ҳаракат тартиби ва иш маромига кўп ҳам амал қилинмайди. Хусусий автомобиль эгалари баъзан кун бўйи йўл юриб ҳорганига қарамай, манзилга етиб келганда тўртта йўловчи яна учраб қолса, яна рулга ўтириб кетаверади. Йўлнинг олис эканлиги, тунниг яқинлиги уларни заррача ташвишлантирмайди. Аслида эса бундай вазиятда машина ҳайдаш худо кўрсатмасин, нохуш оқибатларга ҳам олиб келиши мумкинку. Йўлда ҳайдовчининг кўзи илиниб қолса, ўзи билан бирга мижозларию қаршисидаги автомобиль йўловчиларининг ҳам ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Энг хавфлиси, бунинг учун саноқли сонияларгина етарли бўлади.

Ахир, йўлларда турли бахтсиз ҳодисалар кун-кунора рўй бераётгани сир эмас-ку!

Хусусий автомобиль ҳайдовчиларининг яна бир "хобби"си кўкат ташишдир. Бу иш билан, айниқса, "Дамас" эгалари кўп шуғулланишади. Уларнинг аксарияти йўловчи ташишга мўлжалланган уловлар эканлиги янада ажабланарли. Давлатимиз юк ташишга ихтисослашган шундай машиналарни ишлаб чиқараётганига қарамай, уларнинг бу ишига ҳеч ким эътибор бермайди.

Бундай "ишбилармон"ларга кўп дуч келамиз. Улар фаолияти юқоридаги мисолларда айтилди ва тегишли органлар бу масалани яна бир бор кўриб чиқишига ишонамиз. Аммо бизнингча, ана шу салбий ҳолатларга ҳайдовчилар билан бирга йўловчиларнинг ўзлари ҳам сабабчи бўлишмоқда. Ҳар томонлама кафолатли, хавфсиз ва арзон бўлган лицензияли ташувчилар хизматидан фойдаланмай, ўз ҳуқуқлари топталишига ва саломатликларининг хавф остида қолишига йўл қўйишмоқда. Шуни унутмаслик керакки, барча ҳаётий ҳужжатлар сингари бу Қарор ҳам, аввало, халқ манфаатини ўйлаб тадбиқ этилган.

Анвар САМАДОВ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ЗАКОВАТ

Жюль Верн... Ўзбекистонда

Болалигимизда Жюль Верннинг «Ўн беш ёшли капитан», «Капитан Грант болалари» асарларини севиб ўқиганмиз, Немо билан сув остида 80 минг льёлик сафарларга чиққанмиз. «Сирли ороллар»га бориб қолганмиз, ажойиб саргузаштлар гувоҳи бўлганмиз. Бу ҳақдаги фильмларни телевизор орқали қайта-қайта кўриб тўймаймиз. Одамларни жасоратга, адолатга даъват этувчи бу қаҳрамонларнинг ҳаммаси умр бўйи биз билан бирга.

Машҳур француз ёзувчиси Жюль Верннинг кишини ҳайратга солувчи маҳорати фақат шугина эмас. У келажакни, фан-техника тараққиёти истиқболини олдиндан башорат қила олган. Хусусан, «Клодиус Бонбарнак» асарида ёритилган воқеалар адибнинг ноёб тафаккур соҳиби эканидан далолат беради.

Романдаги воқеаларнинг асосий қисми ўлкамизда бўлиб ўтгани диққатга сазовор.

Асарда XIX асрнинг охирларида Туркистон заминида рўй берган ҳодисалар қаламга олинган. Муаллиф француз журналистининг саёҳатлари воситасида гўёки келажакка ташриф буюради.

Бу воқеалар баёнидан аввал тарихга назар ташласак. Россия империяси Қрим урушида мағлубиятга учрагач, диққатини Шарққа, Марказий Осиёга қаратди. Аввал Оқмачит (ҳозирги Қизил Ўрда), Чимкент, Тароз, Олма-ота шаҳарларини забт этгач, 1865 йилнинг ёзида Тошкент шаҳрини босиб олди.

Шаҳарнинг жануби-шарқий томонида бир гуруҳ дарвешларни учратдим. Ҳассага таянган дарвешларнинг кулоҳи остидан чиққан сочлари шамолда ҳилпирайди. Ҳориб-чарчаб Девонбеги ариғи четидаги қайроғоч соясида «шивином» чойидан тўйиб ичдим. Европада чойнинг бунақа навини ҳеч ким билмайди...»

«Бухоро ва Самарқанд оралиғидаги 200 километрлик масофада 11 бекат хизмат кўрсатаркан. Одатдаги поездлар бу масофани кун давомида босиб ўтаркан. Бизнинг экспресс поездимиз эса бу масофани 3 соатда босиб ўтди (!)»

«Самарқанд шаҳри 2 қисмга бўлинади. Янги шаҳар руслар томонидан барпо этилган бўлиб, замонавий меъморчилик услуби билан фарқланади. Шаҳарнинг эски қисми эса муҳташам обидаларга бой бўлиб, уларни жиддий ўрганиш учун бир неча ҳафта вақт сарфлашга тўғри келади».

«Аравада зиёрат қилиб Бибихоним майдонига келдик. Бу ерда шу номли салобатли масжид қад кўтарган. Бу майдон Регистон каби тўғри бурчакли шаклда бўлмаса-да, унга нисбатан нафисроқ кўринади...»



«Клодиус Бомбарнак» романи қаҳрамони босиб ўтган йўл харитаси

Россия янги жойларда мустаҳкам ўрнашиб олиш, унинг имкониятларидан тўла фойдаланиш, рус капиталини киритиш учун, аввало, темир йўл қуриш лозимлигини яхши англарди. Шу туфайли Кушка, Термиз, Душанбе ва бошқа қатор жойларда чегара шаҳарчалари — ҳарбий қалъалар барпо этилди.

1880 йили Каспий денгизининг Узун-Ада ярим оролида дастлабки темир йўл рельслари ўрнатилди. Пўлат излар Ашхобод, Марв, Чоржўй оша Амударёдан ўтиб, 1888 йили Бухорога, сўнгра Самарқандга етиб келди. 1899 йили Тошкентда, 1916 йили эса Фарғонада дастлабки паравозлар сурони эшитилди.

Чорак аср давом этган қурилиш ҳақида кўплаб асарлар чоп этилган. Бу асарларни Жюль Верннинг ўқиганлиги эҳтимолдан йироқ. Негаки у рус тилини билмаган ва Марказий Осиёда бўлмаган. Аммо темир йўл қурилиши, унинг аҳамияти, келажаги ҳақида маълумотларни тўплаган, кейин эса... хаёлот қанотида ажойиб саргузашт асар яратган. Қолаверса, китоб 1892 йили босмадан чиққан. Бу пайтда темир йўл қурилиши Бухоро ва Самарқанд атрофида олиб борилар эди.

Жюль Верннинг «Клодиус Бомбарнак» романидаги воқеалар, Узун-Ада бекатидан бошланиб Ашхобод, Марв, Чоржўй, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қўқон, Марғилон, Ўш, Қашқар орқали Пекинга борувчи транс континентал экспресс йўловчи ташувчи поездда бўлиб ўтади. Асар қаҳрамони — газета мухбири бекатларда тушиб, шаҳарларни айланади, қадимий ёдгорликларни томоша қилади, одамлар, урф-одатлар, ўлка қиёфаси ҳақида маълумотлар тўплайди.

Романда Ўзбекистон ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар келтирилган. Жумладан,

«Амударёни илгари Окус деб атаганлар. У Ҳинд ва Ганг дарёлари билан рақобатлаша олади. Қачонлардир бу дарё Каспий денгизига қуйилган. Ҳозир эса Орол денгизига қуйилади. Амударё Помир чўққиларида эриган сувни дашт ва қумликлар орқали икки ярим минг километрга олиб боради.

Поездимиз сув сатҳидан 11 метр баланд қилиб, минглаб қозиқлар устига ўрнатилган бир ярим километрлик кўприк орқали ўтиб олди. Буюк Транс Осиё йўлида энг катта ҳисобланган бу кўприкни генерал Аннеков 10 ой ичида қуриб битказди».

«Бухоро шаҳри бекатдан анчагина олисда экан, агар тор изли темир йўл бўлмаганда Бухорони кўролмас эканман. Ярим соатдан сўнг Дарбоз дарвозаси орқали кириб, шаҳарнинг чанг кўчаларини пиёда айлана бошладим. Мен турли биноларга кирдим, бозорда бўлдим. Бир дўкончада 16 хил чой сотилишини билиб олдим. Лаби Ҳовуз майдони кираверишида мис замбараклар ўрнатилган. Амир саройи (Арк)ни кўрдим. Унинг ўнг томонида ҳашаматли Колон масжиди жойлашган. Ундаги қуббалар ва минораларга сон-саноқсиз лайлаклар ин қурган.

«Арава бизни шаҳарнинг шимолишарқий томонида жойлашган Марказий Осиёда энг муҳташам ансамбль — Шоҳи Зинда қабристонига олиб келганда янада кучлироқ ҳаяжонга тушдим. Буни қалам билан ифодалаш қийин. Буни тасвирлаш учун рассом бўлиш керак».

«Тошкентнинг эски шаҳар қисми асосан лой девор уйлар ва қинғир-қийшиқ кўчалардан иборат. Бозор ва карвонсаройлари ҳам унчалик эмас».

«Тошкентда бошқа шаҳарларга нисбатан кўпроқ жуҳудлар яшайди. Шаҳар рус маъмурияти ихтиёрига ўтиши билан уларнинг аҳволи анча яхшиланган, улар фуқаролик ҳуқуқини қўлга киритган».

«Тошкентдан йўлга чиқиб, 150 километрлик масофада бўлган Хўжанд шаҳрига кириб бордик. Бу шаҳарнинг Сирдарё бўйларидаги қисмини айландим. Дарёда йирик кемалар сузиб юрибди. Тошкентдан жануб томон чўзилган темир йўл Хўжанд шаҳрида кескин бурилиб, Қўқон томонга қараб кетган. Биз Қўқондан сўнг, Марғилон ва Ўш шаҳарларидан ўтиб, Помир даралари оша Туркистоннинг Хитой билан чегараси томон йўл оламиз».

«Марғилон шаҳрида 60 минг аҳоли истиқомат қилади. Бу шаҳар Фарғона вилоятининг амалдаги пойтахти ҳисобланади. Шаҳарда қадимий обидалар деярли сақланиб қолмаган».

«Марказий Осиёнинг бу қисмини чуқур тектоник кучлар мунтазам ташвишга солиб туради. Бу ерда кучли ер силкинишлари катта вайронагарчиликка сабаб бўлади».

Шундай қилиб, Жюль Верн қаҳрамони — Францияда чиқадиган «XXI аср» газетасининг мухбири Клодиус Бомбарнак Қашқар шаҳрига, сўнг у пайтларда ҳам амалда бўлмаган Транс Осиё темир йўли бўйлаб Пекин шаҳрига эсон-омон етиб боради.

Китобда қаламга олинган йирик лойиҳалар, шаҳарлар ва табиат тасвирлари даҳо ижодкорнинг башорат қила олиш салоҳиятидан далолат берган-дек. Ёзувчи бу китобида 115 йил аввал тахмин қилган Берлин – Истанбул – Теҳрон – Машҳад – Тошкент – Олма-ота – Урумчи – Пекин Транс Евроосиё темир йўл коридори ҳозирги кунда фаолият кўрсатаяпти.

Йўл Жюль Верн башоратидан бир озгина бошқа ҳудуддан ўтган бўлса-да, у чизган чизиқ бўйлаб «Тошкент – Ўш – Қашқар» халқаро автотранспорт йўли қурилди.

Журналист сафари ҳақидаги бу роман муаллифи Жюль Верннинг ақлу заковатига тасанно айтишга арзийди. «Клодиус Бомбарнак» романи рус тилида 1961 йили Тошкентда 150 000 нусхада нашр этилган. Аммо ҳануз ўзбек тилига таржима қилинмаган. Юртимиз ҳаётига оид ушбу қизиқарли асар ўзбек тилида ҳам нашр этилса, айни муддао бўларди.

Анвар ТОЖИЕВ

Разведкачиларнинг маоши оширилади

Эстония ҳукумати мамлакат ахборот департаменти ходимлари маошини 15 фоизга оширди. Бу ҳақда ҳукуматнинг матбуот хизмати маълум қилган.

Янги тарифга кўра, департамент директорининг ойлик иш ҳақи 40 минг крона (2,5 минг евро) қилиб белгиланди. Оддий ходимлар эса 12,7-22 минг крона миқдорида маош олишади. Матбуот хизматининг хабар беришича, департаментнинг хорижий давлатларда ишлайдиган ходимлари иш ҳақи ҳам сезиларли даражада кўпайган.

Эстония мудофаа вазирлиги тизимига кирувчи ахборот департаменти разведка фаолияти, давлат хавфсизлигини сақлаш, махфий ҳужжатларни муҳофаза этиш билан шуғулланади.

Касьянов сайловда қатнашиши мумкин эмас

Россия марказий сайлов комиссияси Михаил Касьяновни мамлакат президентлигига номзод сифатидан рўйхатга олишни рад этди. Бунга сабаб сифатида Касьянов номзодини қўллаш мақсадида йиғилган имзоларнинг аксарияти ҳақиқий эмаслиги кўрсатилди. Марказий сайлов комиссияси Россиянинг собиқ бош вазири учун йиғилган имзо варақаларининг 13,36 фоизини ҳақиқий эмас деб топган.

Маълум бўлишича, Касьянов учун жамланган варақаларнинг асосий қисмида имзо қўювчилар тўғрисидаги зарур маълумотлар мавжуд эмас, ҳужжатлар талаб даражасида тўлдирилмаган.

Собиқ бош вазирнинг вакили Константин Мерзликин эса Марказий сайлов комиссияси томонидан билдирилган эътирозни танқид қилган ва имзоларни сохталаштириш тўғрисидаги айбларни инкор этган.

Ҳозирда прокуратура томонидан Ярослав вилояти ва Марий Эл республикасида Касьянов номзодини қўллаш учун йиғилган сохта имзолар юзасидан жиноий иш олиб борилмоқда. Аввалроқ, Михаил Касьяновнинг Марий Элдаги сайлов штаби бошлиғи Рустам Абдуллин имзо сохталаштириш айбини тан олгани ҳақида хабарлар тарқалганди. Кейинроқ Абдуллиннинг ўзи руҳий босим остида ана шундай кўргазма бергани ва олдинги сўзларини инкор этишини маълум қилди.

Италияда Муссолини музейи

Италия шимолида жойлашган Сало шаҳрида Бенито Муссолинига бағишланган музей очилди. The Daily Telegraph газетасининг ёзишича, музей Германиядан келган сайёҳларнинг сўрови билан ташкил этилган. Бу ерда Бенито Муссолини раҳбарлик қилган фашистлар республикасининг сўнгги кунлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўриш мумкин.

Фашизм ғоясининг асосчиси бўлган Муссолини Италиянинг айни шу Сало шаҳрида ўз давлатини тузган эди. "Дуче" (итальянчада доҳий) асос солган давлатга Италиянинг шимолий ҳудудлари кирган.

Италияда озодлик ҳаракати кучайганидан кейин ўз-ўзидан зулмга асосланган давлат ҳам тарих саҳнасидан супириб ташланди. Ёвузлик ғоясининг тарғиботчиси бўлган "дуче" ҳам ўлимга ҳукм этилди.

Обама Клинтонни ортда қолдирди

Демократик партиядан АҚШ президентлигига номзод сифатида кўрсатилган Барак Обама Жанубий Каролина штатида ўтган дастлабки овоз бериш (праймериз)да асосий рақиби Ҳиллари Клинтонни доғда қолдирди.

Ҳисоб-китобларга кўра, Обамани сайловчиларнинг 55 фоизи қўллаб-қувватлади. Нью-Йорк штатидан номзоди кўрсатилган Ҳиллари Клинтон эса 27 фоиз овоз йиғишга эришди. Демократлар партиясидан яна бир номзод Жон Эдвардс учун праймериз иштирокчиларининг 18 фоизи овоз берди.

Жанубий Каролинадаги ғалабадан кейин Барак Обама зудлик билан Жоржия штатига йўл олди. 5 февраль куни ушбу штатда галдаги праймериз бўлиб ўтади. Клинтон хоним эса навбатдаги синов учун Теннессига жўнаб кетди. Хабарларга



қараганда, 5 февраль куни мамлакатнинг 22 штатида дастлабки овоз бериш тадбири бўлиши кутилмоқда.

Жанубий Каролинадаги ғалаба Барак Обама учун иккинчи ижобий натижа бўлди. Бунга қадар у Айова штатида ўтган праймеризда рақибларидан устун келганди. Ҳиллари Клинтон эса Нью-Ҳемпшир, Мичиган ва Невадада ўтган овоз бериш тадбирларида ғалаба қозонди.

Компьютер инсонни "танийди"

Глазго университети олимлари компьютер воситасида инсон қиёфасини аниқлаш борасида технологияни такомиллаштиришди. Бунга кўра, электрон машинанинг одамни юз ифодаси орқали таниш имконияти бир неча бараварга ошади.

Дастур орқали 25 нафар машҳур кишининг 20 га яқин сурати текшириб кўрилди. Компьютер турли давр ва ҳолатда олинган фотосуратларни текшириб чиқиб, уларни 54 фоиз аниқликда тўғри таний олди.

Янги технологияга кўра, дастур аниқлаш учун киритилган суратларни базасида мавжуд маълумотлар асосида текшириб чиқиб, маълум хулосага келади.

Мутахассислар инсон шахсини компьютер воситасида тўла аниқлаш ҳақида гапириш ҳали эрта эканини таъкидламоқдалар. Уларнинг фикрича, бу борада янада яхши натижаларга эришиш учун тадқиқотларни давом эттириш керак.

Айни пайтда мазкур дастурлар Сидней аэропортида фойдаланилмоқда. Шу билан бирга ушбу тизим MyHeritage сайтида ҳам ишлатилмоқда. Ушбу сайтга кирган меҳмонлар дастур воситасида қиёфалари машҳур кишиларга нечоғли ўхшаш эканини билишлари мумкин.

Украина ички ишлар вазирига қарши жиноий иш

Киев шаҳар прокуратураси мамлакат ички ишлар вазири Юрий Луценкога қарши жиноий иш қўзғади. Украина ички ишлар маҳкамаси раҳбари Киев шаҳри мэри Леонид Черновецкийга енгил тан жароҳати етказишда айбланмоқда.

Мамлакат жиноят кодексининг 125-моддаси иккинчи қисмига кўра, ушбу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга 150 соатдан 240 соатгача мажбурий меҳнат, бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, олти ой қамоқ ёки икки йилгача маълум ҳуқуқдан маҳрум этиш каби жазолардан бири тайинланиши мумкин.

Мамлакат бош прокуратурасидан маълум қилинишича, ушбу жиноий иш ҳақида президент Виктор Юшченкога ҳам ахборот берилган.

Эслатиб ўтамиз, бундан бир неча кун муқаддам Украина миллий хавфсизлик кенгашининг йиғилишида Леонид Черновецкий ва Юрий Луценко ўртасида келишмовчилик чиққан ҳамда ички ишлар вазири Киев шаҳри мэрига икки марта зарба берган эди.

Ички ишлар вазириниг ўзи ушбу ҳаракатини миллий хавфсизлик кенгашида ёлғон сўзлаган раҳбарга берилган муносиб эслатма сифатида баҳолаган. Вазир ёлғонга тоқати йўқлиги, шу боис ҳам, шаҳар ҳокимини урганидан афсусда эмаслигини билдирган.

ТАФСИЛОТ

Банклар тарихидаги энг йирик фирибгарлик

Европадаги етакчи молия муассасаларидан бири саналган Societe Generale банки ўз ходимларидан бири — Жером Кервелнинг махфий ва ноқонуний ҳаракати туфайли инқироз ёқасига келиб қолди. Жером Кервел 2000 йилдан буён Societe Generaleда трейдер (савдо амалиётлари билан шуғулланувчи мутахассис) вазифасида ишлаб келган. 31 ёшли ходим асосан Европа молия бозорларида савдо операциялари олиб борган.

Банк ижрочи директори Даниэл Бутоннинг маълум қилишича, Жером Кервел бир неча йил давомида банк раҳбариятидан яширинча ноқонуний операциялар ўтказиб келган. Ёш банкир ноқонуний қилмишларини якка ҳолда, шерикларсиз амалга оширган.

Молия операцияларидан келаётган зарар кредитлар жамланмасига ўтказилгани туфайли Кервелнинг махфий ўйинларидан кўпчилик хабарсиз қолган. Банкнинг хавфсизлик ва назорат тизимини яхши ўрганиб чиққан ходим ўз ноқонуний ҳаракатларини узоқ вақт давомида усталик билан яшириб кела олган. Societe Generale маъмурияти улкан йўқотишлар хусусида ўтган ҳафтада бохабар бўлди.

Societe Generale раҳбариятининг хавотир билан билдиришича, Жером Кервелнинг фирибгарлиги туфайли банк 4,9 миллиард евро (7,16 миллиард АҚШ доллари) миқдорида зарар кўрди. Табиийки, бунча катта миқдордаги йўқотиш банкни оғир аҳволга солиб қўйди. Ҳисоб-китобларга кўра, Францияда иккинчи йирик банк саналган молия муассасаси инқироз ҳолатидан чиқиши учун камида 8,1 миллиард АҚШ доллари керак бўлади.

Банкнинг катта молия йўқотиш қурбони бўлгани ўз йўлига. Энг ёмони, ушбу шумхабар туфайли Societe Generaleнинг халқаро бозордаги қимматбаҳо қоғозлари баҳоси ҳам кескин тарзда тушиб кетди. Қанчалик оғир аҳволда бўлмасин, банк маъмурияти барибир инқирозни енгиб ўтишга умид қиляпти. Айни пайтда банкнинг барча бўлим ва филиалларига иш кўламини кенгайтириш ва яхшилаш борасида жиддий топшириқ берилган. Societe Generale ижрочи директорининг ўзи Даниэль Бутон эса инқирозни тезроқ ортда қолдириш учун келгуси олти ой давомида маош олмасдан ишлашга ҳам тайёрлигини билдирган.

Дарвоқе, айрим таҳлилчилар Жером Кервел тўғрисидаги овозалар банк раҳбарияти томонидан ўйлаб топилган сохта айбнома деган фикрдалар. Ушбу қараш тарафдорларининг таъкидлашича, Societe Generale банки сўнгги пайтларда молия бозорида юзага келган қийинчиликлар туфайли кўрилган зарарни трейдернинг зиммасига юклаш орқали камчиликларни хаспўшлашни кўзламоқда.

Ҳозирча дунё банклари тарихидаги энг йирик фирибгарлик деб баҳоланаётган Societe Generale иши атрофидаги мунозаралар давом этмоқда.

Молия муассасалари фаолиятида бу каби фирибгарликлар

Societe Generale раҳбари 4,9 миллиард евро зарарни қоплаш учун маошсиз ишлашга ҳам тайёр

олдин ҳам қайд этилган. 1995 йил Англиянинг Barings банки 1,4 миллиард доллар зарар кўриб мураккаб аҳволга тушиб қолди. Текширувлар давомида инқироз сабабчиси Ник Лисон исмли трейдер экани аниқланди. У ҳам француз ҳамкасби каби махфий молия операциялари ўтказиш билан шуғулланган. Шу тариқа Буюк Британия қирол хонадонига хизмат қилган, тўрт асрлик тарихга эга бўлган нуфузли Barings Bank биргина ходимнинг фирибгарлиги сабабли банкротга учради. Кейинроқ инглиз банкини Германия ва Америка сармоядорлари сотиб олишди.

1996 йили Япониянинг Sumitomo банки ҳам Ясуо Хаманака исмли трейдернинг қилмиши туфайли 2,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрди.

2002 йили Ирландиянинг Allfirst Financial банки шу каби ноқонуний операция сабабли 692 миллион АҚШ доллари маблағидан айрилди.

Трейдернинг молиявий найранги ортидан 2007 йили яна бир француз банки Credit Agricole 250 миллион евро зарар кўрди.

Бу каби фирибгарликлардан кейин дунё банкларида хавфсизлик ва назорат тизими кучайтирилмоқда. Шунга қарамай нохуш ҳодисалар ҳали ҳамон учраб турибди. Назорат қанчалик кучайтирилмасин, қилни қирқ ёрадиган фирибгарлар уни айланиб ўтиш йўлларини топа олишяпти.

Абдул Собир тайёрлади.

2008 йил — ЁШЛАР ЙИЛИ

Юртимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида

АТ «ПАХТА БАНК»

ўзининг янги, қулай ва манфаатли
йиллик 30 фоиз даромад тўланадиган

«Баркамол авлод»

жамғарма омонат турини жорий этди.
Омонатга ҳисобланган фоизли даромадингизни
пул ўтказиш йўли билан Сиз:

- таълим кредити ва таълим контрактини тўлашингиз;
- ипотека ва истеъмол кредитини сўндиришингиз;
- коммунал тўловларини тўлашингиз;
- ёки ҳисобланган фоизларни нақд пулда олишингиз мумкин.

Омонатни сақлаш муддати 18 ойгача.
Бошланғич бадал миқдори 10 000 сўм.

ЎТМИШ САБОҚЛАРИ

“Темир сандиқ”ларда сақланган мисралар

ёки “Уйғониш”нинг нодир нусхаси

Ўзбекистон миллий кутубхонасининг “Нодир нашр ва қўлёзмалар” бўлимида Чўлпоннинг 1922 йил Туркистон жумҳуриятининг давлат нашриёти томонидан чоп этилган “Уйғониш” шеърий тўпламининг нодир бир нусхаси сақланмоқда. Ушбу нусха узоқ йиллар махсус идораларнинг темир сандиғида сақланган. Кейинчалик у кутубхонанинг махсус фондига ўтказилган бўлиб, назорат қилувчи идораларнинг рухсати билан ўқишга берилган. Ушбу нусханинг нодирлиги шундаки, унинг саҳифаларида шўро мафкурачилари томонидан ёлланган танқидчининг дастхат ёзуви бор. Ана шу ёзув ва бошқа туҳмат-айблар 1937 йил 14 июлда шоирни миллатчиликда айблаб, ҳибсга олишга асос бўлган. Тўпламнинг биринчи саҳифасига ғаразгўй танқидчи шоирнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши ёзилган **“Дунёларча маъюс кунларим! Сафолатли тунларим”** мисраларини таъкидлаб, жимжимадор қилиб икки марта, бири сиёҳда, бири қаламда қўл қўйган. Санасини ҳам эсдан чиқармаган: 20 март 1935 йил. Ёлланган танқидчи тўпламдаги шеърларни ўқир экан, салбий тақриз учун материаллар тўплаш мақсадида айрим бетларга «✓» шаклдаги белги, айримларига салбий фикрлар ёзиб қўйган. Чунончи, шоирнинг 1922 йил 18 февраль Бухорода ёзилган **“Оғриғонда”** шеъридаги:

Меним ўйимми қора? Ёки юрт кўкида булут

мисралари ёнига белги қўйган.

Бундай белги:

Буғиқ, қисиқ, бу кўнгил
кучли ўт билан ёнадир

мисралари қаршисига ҳам қўйилган.

“Халқ” шеъридаги ушбу сатрлар:

Халқ истаса озод бўлсун
бу ўлка,
Кетсун унинг бошидаги
кўланка.

қаршисида ҳам белги бор.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, танқидчи бу белгиларни шоирнинг миллатни уйғотиш, юрт қайғуси ҳақида ёзган шеърлари ёнига қўйган. Ичи қора танқидчи Чўлпоннинг **“Куз”** шеъридаги қуйидаги мисраларини:

Бутун борлиқ-чоғлиқ
ўчиш олдида
Совуқ қора қишға
кўчиш олдида

ўқир экан, ўзини тута олмай **“Бу қадар тескаричилик!”** сўзларини ёзиб қўйган.

1922 йил 9 июнь “Жумабозор истансиясида” ёзилган “Юпанмоқ истаги” шеъридаги қуйидаги тўртликни:

Ўйланган ўйлар-ла
кўнгил юпанмас,
Кўнгилнинг истаги
ўй билан қонмас.
Айтарлар бу тунда
ёруқ шам ёнмас,
Чақмаса гугуртни
асл ўғуллар...

ўқигач, **“Шўрони кўрмайди асло кўзи!”** деб ғазабланади.

Танқидчи шўро мафкурачиларининг кўнглига ёқиш учун ушбу жумлаларни ёзар экан, бир кун келиб Ўзбекистон мустақил бўлиб, унинг юзи қора, ўзи шарманда бўлишини ҳеч ўйламаган бўлса керак. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Мана энди 73 йил илгари Чўлпонга қазиган чуқурга ўзи тушиб турипти. Тўпламдаги ғараз ният билан ёзилган ёзувларни ўқир эканман, шундай хулосага келдим: тарихнинг сабоғи шу — ким кимга чоҳ қазиса, эртадир-кечдир барибир ўзи тушади.



АВВАЛИ

Ҳурматли муштарийлар! Ўтган асрнинг бошларида ўзбек миллий матбуотининг бир қатор газета ва журналлари чоп этилган. Миллий матбуот ўша давр ҳаётини, халқ бошига солинган кулфату хўрликларни ёритишга ҳаракат қилган. Шу боис ўша вақтдаги айрим нашрлар собиқ тоталитар тузумнинг ёвуз сиёсати туфайли ёпилган.

ХХ аср бошларида чоп этилган “Ҳуррият”нинг саҳифаларида нашр қилинган айрим лавҳаларни бугун эълон қилишимиздан мақсад шуки, бу нафақат ўтмишимизни ўрганишга интилиш, балки илк ўзбек миллий матбуоти ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилади деган фикрдамиз.

ҲАКИМА (ТАБИБА)

Марйа хоним бинт Паул Таппер Абрамоф растасида 18 кундалик уйда ҳар кун соат 1 дан 3 гача ички дардларни ҳам хотунларнинг касалини кўрадур. Телфун рақами 303.

“Ҳуррият”
1 май 1918, душанба.

ЭХТАР (ЭЪЛОН)

«Ҳуррият» жаридасининг идораси Ҳожи Аҳмаджон саройинда бўлуб, жума кунларидан бошқа ҳар кун соат 7 дан 12 ғача ва пешиндан кейин 2 дан 6 ғача очиқдур. «Ҳуррият» жаридаси ушбу 10 нчи рақамдан эътиборан ҳар ҳафта жума ва сешанба кунлари мунтазам чиқиб турадур. Иншо оллоҳ ҳарфлар келгандан сўнгра ҳафтада тўрт марта чиқур.

«Ҳуррият»
19 май 1918 йил, жума.

САМАРҚАНД ХАБАРЛАРИ

13 майда Вали жаноблари тақса юзасидан гурунч сўраганларида, шоли кўплар қабул қилмаган сабабли телефун ила даста аскар чақириб бозорда бор гурунчларни мусодара қилдилар. Мусодара қилинган биринчлар тахминан тўрт минг пут эди. Биринчнинг қимати жамоат дўконларида ҳар беш қадоқи 1 сўм 10 тин сотилган ҳолда, бозорда 3 сўм 50 тин сотилур эди. Вали жанобларининг ушбу адолатпарварона ақдоматларига (чора) барча аҳоли ташаккур этадур. «Идора»: — мана ноинсофликнинг натижаси! Бошқа касабаларга (майда савдогар) бу иш ибрат бўлсун!

«Ҳуррият»
19 май 1918 йил.

Нашрга тайёрловчи:
Эргаш УМАРОВ

ТИББИЁТ

Покликка ҳамоҳанг

Аҳоли саломатлиги бебаҳо бойлигимиз. Айниқса, ёшларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш эртанги кунимизнинг фаровонлигини белгилайди. Бу эса, ўз навбатида соғлиқни сақлаш ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу эзгу йўлда узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган ва бундан фахр ҳиссини туйиб яшаётган шифокорлар заҳмати таҳсинга лойиқ.



Бухоро вилоят тери-таносил касалликлари диспансерида ҳам ана шундай ўз касбининг фидойилари меҳнат қилади.

Вилоятдаги йирик тиббиёт гўшаларидан бири бўлган ушбу диспансер кунига 250-300 нафар беморни қабул қилиш имкониятига эга. Поликлиника 30 ўринга мўлжалланган кундузги ва 90 ўринли доимий беморлар ётадиган бўлимлардан таркиб топган бўлиб, бунда физиотерапия, таҳлил, зарарсизлантириш ва ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатиш имкони бор. Бу борада муассасада фаолият юритаётган олий ва I тоифали шифокорлар малакаси қўл келмоқда.

— Биз тери-таносил касалликларидан болалар ва ёшларни ҳимоя қилишга кўпроқ эътибор қаратяпмиз, — дейди диспансер бош врачи Акмал Ишонқулов. — Негаки, кейинги йилларда ушбу касалликлар айнан улар орасида кўпроқ кузатилмоқда. Бунинг сабаблари бор, албатта. Хусусан, ёшлар организмида иммунитетнинг пасайиши, табиатда аллергенлар кўпайиши, экологик омиллар таъсири, аҳоли орасида тиббий маданиятга нисбатан эътиборсизлик шулар жумласидандир. Айни пайтда бу муаммо биргина бизни эмас, балки Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотини ҳам ташвишга солмоқда.

Маълумотларда таъкидланишича, дунёда юзга яқин жинсий йўл билан юқувчи касалликлар мавжуд бўлиб, шундан 24 тури Марказий Осиё минтақасида учрамоқда. Аҳолининг тез-тез кўчиши, ёшлар ўзини муҳофаза қилиш борасида етарли тушунчага эга эмаслиги бунга сабаб бўлмоқда. Шу боис вилоятимизнинг Қоракўл, Ғиждувон, Шофиркон туманлари ва Когон шаҳридаги ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатиш бўлимларидаги, шунингдек, 12 та туман марказий поликлиникаларидаги мутахассислар томонидан меҳнат жамоаларида, умумтаълим, олий ва ўрта махсус билим юртларида тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Ушбу касалликларга чалиниш олдингига нисбатан камайганлиги қувончли ҳол, албатта. Бироқ, тизим ходимлари бу билан чегараланиб қолмай, аксинча, профилактик тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шунинг баробарида соҳа энг сўнгги замонавий асбоб-ускуна, тиббий технологиялар билан жиҳозланмоқда. Эътиборли томони шундаки, республикамиз Президентининг 1996 йилдаги фармойишига асосан, ижтимоий соҳага кирувчи касалликларга хизмат кўрсатиш, жумладан, тери-таносил касалликларини бепул даволаш белгиланган эди. Бизнинг диспансерда ҳам таҳлилхона очилиб, II босқич инфекцияларининг диагностикаси, специфик реакцияларни узлуксиз олиб бориш, терапия ва лазер нурлари билан даволаш йўлга қўйилди.

Шавкат НОСИРОВ,
“Ҳуррият” мухбири. ®

ТААССУФ

БАҲОНА БИЛАН ИШ БИТМАС

Республикамизда спортни ривожлантириш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юртимизда мустақиллик йилларида бунёд этилган ўқув даргоҳлари, замонавий мактаб, лицей ва коллежлардаги шарт-шароитларга кимнинг ҳаваси келмайди дейсиз? Пойтахтимизда ҳамда вилоятларда жойлашган бир қатор футбол мактабларида яратилаётган шарт-шароитлар ҳам дарҳақиқат, кишида ифтихор ҳиссини уйғотади.

Аммо... айрим жойларда баъзи бир мутасаддиларнинг ҳафсаласизлиги туфайли ёшлар спортига бугунги кун талаби даражасида эътибор қилинмаяпти. Масалан, яқинда Қорақалпоғистонда бўлиб, минг афсуски, футбол мактаб-интернатларидаги кўнгилни хижил қиладиган ҳолатларга дуч келдик.

— Қорақалпоғистон футболи ачинарли аҳволга келиб қолишининг асосий сабаби, футбол мактабларидаги шарт-шароитларнинг йўқлигида, — дейди Нукусдаги 7-сонли Республика футбол мактаб-интернати директори Махсет Қуттибоев. — Бизнинг футбол мактабимизда мусобақалар, машғулотлар ўтказиш у ёқда турсин, дарс ўтиш учун ҳам имконият етарли эмас. Маҳаллий раҳбарлар ташаббуси билан Нукус шаҳрига кираверишда, қумлик устида ҳайбаракачилик билан бунёд этилган футбол мактабимизга кириб ачиниб кетаман. Яқинда қурилиб фойдаланишга топширилганига қарамай бу футбол-интернатининг деворлари ёрилиб кетган. Стадион ҳам талабга жавоб бермайди. Унинг атрофи ўралмаган, кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам охирига етказилмаган. Ётоқхона ҳам чалалигича фойдаланишга топширилган. Бинони фойдаланишга топширган “Ўзқишлоқлойиҳа”га қарашли “ККПГС” МЧЖ қурилиш корхонаси ишчиларининг ўз вазифаларини қўл учида бажарганликлари тааҗжубли. Наҳотки, улар бу ерда юртимиз футболининг келажаги бўлган ёшлар тарбияланаётганини унутишган бўлишса?

Биз бу муаммо юзасидан қурилиш ишларига бевосита дахлдор бўлган Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Ахмед Нуримбетовга мурожаат этдик. У киши “Бу масалани ўзимиз ҳал қиламиз, мактаб-интернатнинг чала ҳолда топширилганлигидан хабардормиз, бунга матбуотнинг аралашишига ким рухсат берди”, дея бизга турли баҳоналарни санашдан нарига ўтмади.

Президентимиз томонидан жорий йил — «Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Бугун давлатимиз томонидан ёшларнинг илм олиш ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун қатор имкониятлар яратилаётган бир пайтда Қорақалпоғистонда шу соҳага мутасаддилар келажагимиз эгалари — ёшларнинг баркамол тарбия топишлари учун давр талаби даражасида куюнчаклик билан фаолият юритишмаётгани тааҗжубли. Шароит яратиш ўрнига турли баҳоналар топишдан мақсад нима? Бу аҳволда Қорақалпоғистон футболи қачон ўзини кўрсатади?

Ҳикматулло КОДИРОВ

Изоҳга ҳожат йўқ.

МАЪНАВИЯТ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАН МУХБИРИМИЗ ЁЗАДИ

Миллий руҳда тарбия оила ва боғчада сингдирилиши керак

Мактабгача таълим масканлари болалар тарбиясида муҳим ўрин тутади. Қолаверса, уларга илк сабоқларни бериб, илм ўрганишга йўналтиришда ҳам боғчаларнинг таъсири катта. Келажагимиз бўлган болаларга юртимизнинг ҳар бир узоқ-яқин гўшаларида қулай имкониятлар яратилаётгани бор гап.

Тахтакўпир туманида ана шундай боғчалардан бири — 3-сонли мактабгача таълим маскани 1984 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Ўша вақтдан бери у ерда Тозагул Аширбекова мудирлик қилиб келяпти. Боғчада айни кунларда 5 та гуруҳда 83 нафар кичкинтойлар тарбияланади. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ҳамда «Учинчи минг йиллик боласи» таянч дастури асосида талайгина ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳар йил бошида боғчанинг йиллик иш режасини ишлаб чиқиш ва уни доирасида иш юритиш анъанага айланган. Яна шуни алоҳида айтиб ўтишни истардикки, боғча ўтган йилда тўлиқ таъмирланди. Хусусан, спорт зали ва турли тадбирлар ўтказадиган хона замонавий талабларга мос равишда реконструкция қилинди.

— Болаларимизни миллий руҳда тарбиялаш ҳар биримизнинг кундалик ишимиз бўлиши керак, — дейди биз билан суҳбатда боғча мудири Тозагул Аширбекова. — Боғча уларнинг ҳаётда ўз ўрнини белгилаб беради. Ҳозирдан бошлаб фарзандларимизни тўғри йўлдан боришларига замин яратмоғимиз лозим. Яхши тарбия олган бола ҳеч қачон ота-онасини, Ватанини юзини ерга қаратмайди. Буни тажрибамдан келиб чиқиб айтаяпман.

Яна юқорида айтиб ўтилган маскан ҳақида сўз юритсак. Республикамиз миқёсида ўтказилган боғчаларнинг қўғирчоқ театрлари жамоалари ўртасидаги кўрик-танловда тахтакўпирлик ёшлар иккинчи ўринни, шунингдек, «Соғлом авлод» доирасидаги биринчиликда учинчи ўринни эгаллаётганидан ҳам 3-сонли мактабгача таълим масканининг нечоғли эканлигини билишимиз қийин эмас.

Ғойиб ЁҚУБОВ

Бугун китоб чиқариш муаммо бўлмаган муаммога айланиб қолди. Маблағи тайин бўлса чоп эттиришдан осон иш йўқ. Фақат фикр қоғозга тушса бас... Қоғоз қоралашга эринадиганлар учун исталган жанрда китоб ёзиб берадиган ҳожатбарор "ҳунарманд қаламкашлар" ҳам кўпайиб кетди. Рисола чоп этишга пул бўлмаса-чи? Мана бу энди муаммо...

МУТОЛАА

Икки дарё оралиғи

Ҳозир баъзи нашриётчилар ҳам яхши асарлар, иқтидорли ижодкорлардан кўра, кўпроқ маблағи тайин қўлёзмалар муаллифлари билан сермулозаматроқ бўлиб кетишяпти.

Тўғри, ушбу ҳолатни бугун ҳеч ким номақбул иш деб айтолмайди. Бироқ масаланинг маънавий изтироблари айни шу нуқтада газак олаётганини алоҳида таъкидлагимиз келади.

Айни шу омил китоб, журнал ёки газета, ҳеч бўлмаса ахборотнома чоп этиб ном чиқариш, шу йўл билан ўзини танитиб енгил шуҳрат қозонишни ният қилган идора, муассаса, ҳатто айрим шахслар манфаатлари "ўчоғига ўтин қалаб" бераётгани кўпчиликка сир бўлмай қолди.

Бу ҳам майли-я, нотўғри йўналтирилган қанчадан-қанча маблағлар эвазига бугунги кунимиз, эзгу мақсадларимиз учун мутлақо хизмат қилмайдиган, ўқувчи юрагида олижаноб туйғуларни шакллантириш у ёқда турсин, аксинча уни фақат ўтмаслаштиришга, қалб кўзини қосир қилишгагина "яраб беради"ган илмий саёз, бадиий жиҳатдан бўш, безатилиши ачинарли даражада ночор нашрлар кутубхоналаримиз токчаларини жадал суръатлар билан эгаллаб олаётганлиги кишини ташвишга солади.

Ушбу нордон мулоҳазалар яқинда Тошкентдаги "VEKTOR-PRESS" нашриётида "Избоскан ва избосканликлар" деб номланган янги китоб чоп эттирилаётганини эшитганимизда ҳам хаёлимизга тепчигани рост.

Энг беҳаловат вазият китоб муқовасидаги ўзимиз учун ниҳоятда ардоқли бўлган икки ажойиб ижодкор инсонлар номига кўзимиз тушганда содир бўлди. Ана холос! Андижон тарихи, умуман, мозий мулкининг султонларидан бири профессор Сайфиддин ота Жалилов, нозиктаъб шоир, публицист Абдулла ака Комиловга шуғулланиш учун наҳотки салмоқлироқ, жиддийроқ иш қолмаган бўлса!..

Ҳар қалай, китоб босилиб ҳам чиқди. Чиққанда ҳам жуда "солидный" бўлиб чиқди. Вазни накд бир қадоқ.

Азиз мухлис, сезиб турибман, мақола муаллифи шунча маломат ва замзамалардан кейин "Избоскан ва избосканликлар" ҳақида нима деркин, деб турибсиз. Шундай эмасми?

Дангалига кўчсак, ушбу китоб қўлимизга келиб тушгунча, хаёлан, юқоридаги фикрларни ҳовлиқтириб андак шошилганимизни ҳис қилдик...

Касбимиз тақозоси билан республикамиз вилоят ва туманларини кўп кезганман. Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Сурхондарё томонларга борганимда мен суҳбатлашган аксарият одамлар ўзининг қайси уруққа мансуб эканлигини, ота-боболари ким бўлгани, не касб-кор билан шуғулланганлигини мароқ билан ҳикоя қилиб, ҳузурланишларидан ҳайратларга тушганман.

Хивада, Урганч, Шовот туманларида оддий сувчи, тракторчи бўлиб кун кечирадиган, биров назарига илгиси ҳам келмайдиган қишлоқи одамлар ўзи туғилиб ўсган тумани, қишлоқлари тарихини жуда яхши билишларини, Хоразм хонлиги ўтмишининг шон-шуҳратларга бурканган саҳифаларини эъзоз-эҳтиром билан, завқланиб сўзлашларига ҳавасларим келган пайтларимиз ҳам бўлган.

Яшириш не ҳожат, бизнинг Андижон томонларда уруғ суриштириб кўп ҳам бошларини қотиришавермайдилар...

Тўққизинчи синфда ўқирмидик, мактабдошларимиздан бири тарих муаллимимиздан Пойтуғ, Избоскан, Мойгир, Жонобод, Чувама, Лўғумбек, Элатон қишлоқлари ҳақида сўраганида тайинли жавоб ололмагани ёдимда. Ваҳоланки, ўшанда муаллим Россия ва Европадаги жанглар кечган шаҳар ва қишлоқлар номлари этимологиясини булбулдай шарҳлаб турган эди...

Мана энди туманимизнинг тарих ўқитувчилари ўз ўқувчилари олдида дадил туриб, қайси қишлоқ, қайси уруғ ёки наслга мансублигини, одамларимиз жез (бронза) даврларидаёқ, яъни эрамиздан илгариги II минг йилликдан (бундан 3500-3000 йил муқаддам) суғорма деҳқончилик билан шуғулланганлигини, Избоскан, Пойтуғ ва улар атрофидаги бутун бир кенг ҳудуд тарихий манбаларда ва араб саёҳатчиларининг асарларида худди Мовароуннаҳрдай "Миён рудан", "Икки сув ораси" (Норин ва Қашқадарё дарёлари ўртасида) дея тилга олинганлигини яйраб-яшнаб сўзлаб бера олади.

Улар яна "Икки сув ораси" араблар келгунига қадар Даван (Фарғона) давлати ҳудудидаги энг гуллаб-яшнаган ўлка бўлганлигини, ушбу мамлакат ҳудудида етмишга яқин машҳур шаҳарлар бўлиб, аҳолиси бир неча юз мингдан ошиқ бўлганлигини, ана шу улкан шаҳарлардан бири Элатон айни шу Избоскан тумани ҳудудида жойлашганлигини, бу буюк шаҳар араблар истилоси, мўғул-татар босқинларида беомон вайрон бўлгани, қолган-қутган осориатиқаларимиз ҳам совет даври пахта яккаҳокимлиги натижасида батамом ер билан яксон қилинганлиги, илмий қазишмалар жараёнида қўлга киритилган ноёб, бебаҳо буюм ва безаклар Ленинград шаҳрига ташиб кетилганлиги ва



ўша ердаги Моддий маданият институтида сақланаётганини ифтихор ва армон билан сўзлаб берадилар.

Яна биладиларки, Пойтуғ деган атама жуда қадим замонлардан келади. Бу сўз Маҳмуд Қошғарийда "Тўғон таги", "Тўғон ёни" маъносида тилга олинади. Улар муаллифларнинг илмий фаразларига суяниб, элатонликлар араб жангчиларини ҳозирги Пойтуғ шаҳри яқинида қарши олганлигини, шу атрофдаги "Али майдан" атамаси ўша муҳорабалар натижасида одамлар онгига муҳрланган бўлиши мумкинлигини исботлаб берадилар.

Пойтуғ атамаси ҳатто икки буюк муаррих Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида ва Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома"сида ҳам тилга олинган. Ҳазрат соҳибқирон Амир Темур 1376 йил қишининг 53 кунини айни шу Пойтуғда ўтказган. Мўғул ҳукмдори Қамариддинни узил-кесил йўқ қилиш учун Избоскан заминида беомон жангларга кирган, деб дадил айта оладилар.

Энди "Избоскан ва избосканликлар" номли китоб кириб борган ҳар бир хонадон насл-насабини, ота-боболари бошидан кечган октябрь тўнтариши, қатағон, уруш йиллари, совет пахта яккаҳокимлиги даврлари савдоларини, юрт озодлиги, фаровонлиги, истиқболи деб самандар яшаган азиз салафларини яхши билиб олади ва ўрни келганда улар ҳақида ифтихор билан сўзлаб ҳузур қиладилар ва...

Ва... Ана шунда избосканликлар катта илмий ишлар, адабий-бадиий асарларини бир четга суриб, оддий бир туман тарихини ёритиб беришни долзарб ва хайрлироқ деб билгани учун ушбу китоб муаллифлари ҳаққига дуолар қилсалар ажаб эмас...

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

Журналист ва шоир Абдунаби Бойқўзиевни туман ёшлари ижодий учрашувларга тез-тез таклиф қилиб турадилар.

Бир ой мистер бўлганим

ярми ҳазил, ярми чин

Бултур Чарли Стеффорд деган чет эллик йигит билан танишдим. Ўзи Американинг Иллинойс деган штатидан экан. Ўзбекистоннинг бир қишлоғида яшаб, ўзбекларнинг урф-одати, расм-русумлари билан танишиш учун биз томонларга келибди. Бир куни уйда ўтирсам, туман раҳбарларидан бири бояги йигитни бошлаб кирди. Ёнида шотирлари ҳам бор.

— Ҳикматилла ака, мана бу йигит меҳмонимиз, — деди Чарлини кўрсатиб, — ўзи олим, Ўрта Осиё халқларининг тарихи, бугунги ҳаёти ҳақида китоб ёзмоқчи экан. Эркалик қилиб, сизникига бошлаб келавердим. Боғчорбоғингиз ҳам, кўнглингиз ҳам кенг, бир ойгина шу йигитга уйингиздан жой берарсиз. Сизга зиёни тегмайди. Ҳаражатларини ўзи кўтаради. Фақат яхши сўзингизни аямай, сўраганларига жавоб бериб турсангиз бўлди. Майлими, ака?

— Майли, — дедим. — Уй-жой кимлардан қолмайди? Бир коса овқатни қўшнига ҳам чиқарасиз. Уйимнинг тўри меҳмонники. Фақат шартим бор.

— Қанақа шарт? — деб сергакланди раҳбар.

— Шартим шуки, кўп ичмасин. Америкаликлар ҳалиги заҳри қотилни ҳаддан зиёда ичади, деб эшитганман. Ичағон кишини жиним суймайди.

У кулиб юборди.

— Бўпти, айтиб қўяман, — деди ва тилмочга ўгирилди. Тилмоч чет элчалаб Чарлига нимадир деди. Чарли "Ес! ес!" деб бош силкиди.

Шундай қилиб, Чарли бизникида ўрнашиб қолди. Мен уни Чарливой деб чақирадиган бўлдим. Аввалига, бирор ҳафтагача тилмоч келиб, икковимизнинг сўзимизни бир-биримизга ўгириб турди. Кейин, бора-бора тилмочга ҳожат қолмади. Мен оз-моз инглизча, Чарливой оз-моз ўзбекча тушунадиган бўлди. Жилла қурса, бармоқларни ишга солиб, имо-ишора билан гаплашамиз. Мен қўлимни оғзимга қўйиб, томоғимни такиллатаман. Бу — чой ичасанми, деганим. Ёки қошиқ олиб, косага соламан, ўзимча овқат ичган бўламан. Чарли "Ес!", дейди ёки "Нў! Нў!" деб бош чайқайди. Бу ҳа, ёки йўқ, дегани экан.

Чарли бизникига кўчиб келганда айни Наврўз эди. "Омадинг бор экан, бола, — дедим ичимда, — халқ сайларини ҳам, сумалакни ҳам кўрадиган бўлдинг".

Айтганимдай уч кун ўтиб, чап томонимиздаги қўшнимиз Мушарраф хола сумалак қайнатишга киришди. Чарли видеосини созлаб, оқшом тушмасданоқ қозон бошига бориб олган. Хотинларнинг ҳар бир ҳаракатини суратга олаяпти. Бир маҳал у, имо-ишора билан, бу қандай овқат дегандек сўраб қолди. Бу чулчитга нечук тушунтираман, э худо! Охири бир сиқим буғдой олдим, унинг устига бир чимдим майса қўйдим. Кейин майсани қайчи билан кесдим, унга ун сепдим. Чарли анқайиб қараб турибди.

— Мана шундай сумалак чиқади, билдингми, оғайни? Сумала-ак!..

— Сум... Сум-малек, — деб Чарли дарров дафтарига ёзиб олди. Тонготаргача аёлларнинг ёнида ўтирди, ҳатто бир-икки марта уларга тақлид қилиб, қозонга қалақ ҳам уриб кўрди.

Умуман, Чарлининг одати ўзи шунақа. Ҳамма нарсани ушлаб, тишлаб, ҳидлаб кўришни ёқтиради. Бир сафар келинингиз келиб туйиб турган эди, видеосини кўтариб келиб қолди. Бирпас қараб турди. Сўнг келисопни сўради. Хотин кулиб чўзди. Чарли уни кўтариб бир урди, кели ағдарилди, ер билан бир бўлиб, гўжа тўкилди. Чарли қизарди, бош эгиб узр сўраган бўлди, кейин чўнқайиб олиб гўжани теришга тушди.

Бир куни қизиқ бўлди. Қирқ кунча илгари набиралик бўлган эдик. Қуда тараф бешик олиб келадиган бўлибди. Биласиз, ўзбекнинг бешик бердиси ҳам кичкина тўй. Шуни ўйлаб, мактабдан инглиз тили муаллими Манзурахонни чақириб қўйдим. Чарли "Бу нима? Бу нима?" деб сўрайверіб, қон қилмасин, дедим-да.

Айтганим бўлди. Чарли маросимни бошдан-оёқ суратга олди. Ясатилган тойчоқ-ку, набирамга қўшилиб, қаҳрамонга айланиб кетди. Улар ўлганда ўн марталаб суратга тушгандир-ов. Ахийри навбат бешикка келди. Манзура Чарлига бешикнинг вазифасини обдон тушунтирди. Бир вақт десангиз, Чарлининг кўзи сумакка тушиб қолди. У сумакни олиб, пуфлай бошлади.

— Бу сурнайми? Флейта, да? — деб сўрайди.

— Йўқ, бу сурнай эмас, болалар учун ишланган миниканализация, — деб тушунтирмоқчи бўлади Манзура муаллим. Чарли "Бу асбобни ҳозироқ ишлатиб кўрсатинг", деб туриб олди. Меҳмоннинг сазаси синмасин, Қўшнимиз Содиқ аканинг ўғли армияга кетаётганди, кузатгани биз ҳам чиқдик. Онаси ўғлига нон тишлатди. Кейин нонни тахмонга олиб қўйди. Буни кўриб, Чарли сўради:

— Нега нонни бериб юбормади? Йўлда еб кетарди ўғли...

— Ҳов анави қопчиғи тўла егулик, — дедим. — Бу — ирим. Яна нон еган ерингга омон-эсон қайтиб кел, дегани бўлади.

Чарли дафтарига ҳамма айтганларимни ёзиб олди.

Гапнинг қисқаси, бир ойгача Чарли ўзига ғайритабиий кўринган нарсаларни суратга олиб, таърифини дафтарига ёзиб борди.

Мен ҳам бир ой мистер бўлиб юрдим. Ҳикматулла, дегани тили келмай, Чарли мени мистер Хек-матильда деб чақиради.

Ўттиз кун деганда, тағин ўша туманимиз раҳбарининг ўзи келди. Чарлини машинасига ўтказиб олиб кетди. Чарли уй ичимиздагиларни қайта-қайта суратга туширди, ҳамма билан, ҳатто саксон икки яшар энам билан ҳам қучоқлашиб хайрлашди.

— Раҳ-мат! Раҳ-мат! Раҳ-мат! — деди уч марта.

Икки ойча Чарлидан дарак бўлмади. Ёзнинг чилласига яқин ундан хат олдим. У хатини туман ҳокимиятидаги компьютерга юборибди. Одатдаги дуои саломдан ва ўзига кўрсатилган меҳмондўстлик учун ташаккурдан сўнг, Чарли шундай деб ёзади:

"Мистер Хек-матильда! Бир ой уйингда турдим. Бир ой сизлар билан бирга нафас олдим, қандай яшашларингни, кундалик юмушларингни, одатларингни, тўйларинг, азаларинг, севинчу ташвишларингни кузатдим. Ўзимча уларни таҳлил қилдим, бировларга қиёсладим. Хулоса чиқармоқчи бўлдим. Аммо ўйимнинг охирига етолмадим. Ўзбекларнинг кимлигини, барибир тўлатўкис тушунолмадим. Қанақа халқ у, ўзбеклар? Уларнинг ички руҳияти, қалб негизи қанақа? Ўзбекларни бошқа элатлардан ажратиб турадиган хислату хусусиятлар нима? Хуллас, сизлар кимсизлар, мистер Хекматильда? Хатингни кутаман, ўзбекка ўзинг таъриф бермасанг, мен бу жумбоққа жавоб тополмадим. Дўстинг Чарли".

Мен ҳам бошимни қашлаб ўтириб қолдим. Ростдан ҳам, биз киммиз ўзи? Шоир Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" деган машҳур шеъри бор. Эркин ака ўзбекнинг кимлигини таърифламоқчи бўлади, лекин ўзбекнинг буюклиги битта шеърга сиғармиди? Мен-чи, мен ўзбекнинг насл-насабини қандоқ қилиб бир мактубга жойлайман? Бунинг иложи йўқлигини билсам-да, бир уриниб кўрай, деб, мана бундоқ хат битдим:

"Ваалайкум ассалом, Чарливой! Ўзбеклар қанақа элат деб, гапнинг очиғи, мени ҳам қийнаб қўйдинг, оғайни. Чарли, сен бизнинг Насриддин Афандини биласан, унинг қизиқ-қизиқ ҳангомаларини ўқигансан, тўғрими? Хуллас, Насриддин Афанди ўзбекнинг тимсоли. Насриддинга боқ — ўзбекка боқ! Бир қарасанг, доно, бир қарасанг содда-гўл, бир қарасанг — айёр, бир қарасанг — довдир, бир ишини кўрсанг — бахилдан бахилга ўхшайди, бир қилмиши сахийдан сахий кишини эслатади.

Бўйи баравар қозон кўтариб, таниганни ҳам, танимаганни ҳам чақириб, тўй қиладиган меҳмоннавоз халқ — биз ўзбеклар бўламиз. Тўй ўтгач, қора қозонни сувга ташлаб, қотган маса керак, Чарли. Мана, сенга бир мисол. Айтайлик, икки ўртоқ, икки қуда сафарга кетаяпти. Вокзал. Поезд келади. Энди вагонга чиқиш керак. Бир қуда иккинчисига йўл беради,

— Қани, қудажон, чиқсинлар...

Иккинчиси тисарилади:

— Йўғ-е, қуда, мен сиздан олдин чиқаманми? Ўзларидан бўлсин, қани...

— Сиздан аввал чиқсам, уят бўлар, қудажон. Ҳурматингиз бор. Ўзлари бошласинлар.

Хуллас, улар бир-бирларига йўл бериб "сиз чиқинг, сиз чиқинг", дегунча поезд юриб кетибди. Мана шулар ҳам — ўзбек!

Далада тонгдан то шомгача кетмон чопиб келиб, ўзингга шукр, деб кўк чой шопириб ётгувчи қаноат эгаси ҳам — ўзбек.

Кечагина қўшнимнинг қулоғини чўзсанг, кун кўринарди. Ичгани ичган ёвғон эди. Энди чўнтагига беш-ўн танга тушиб, димоғи шишибди, қорин қўйибди. Илгари мени кўрса, ассалом, акажон, дерди, энди, "ҳм, оғайни, озиб-тўзиб юрибсизми?" деб кибрланади. Бу ҳам ўзбекнинг бир ритасини ҳам чизиб берган. Бу — бир.



Медицина деган сўз яна бир бобом Ибн Синодан қолган. "Мадади Сино" бора-бора медицинага айланган. Биласан, Ибн Синонинг тиббиётга оид китоблари Европада 600 йил қўлланма-дарслик бўлиб келган. Бу — икки.

Мана, энди биз компьютерлар асрига ўтдик. Хатингни ҳам менга Интернет орқали юборибсан. Аммо ўша алгоритмларни биринчи бўлиб ким ихтиро қилган эди, ҳеч ўйлаб кўрдингми? Ҳа, баракалла! Алгебрани, демак алгоритмни ҳам менинг улуғ бобом Мусо ал-Хоразмий ўйлаб топган! Европаликлар ал-Хоразмий дейишга тили бормай, алгоритм деб ўзгартириб олишган. Мана, сенга ола дўппи кийган соддадил, топағон, гоҳо эринчоқ, гоҳо тиним билмас ўзбекнинг кимлигию нималарга қодир эканлиги!

Дунёда тилакнинг хили кўп. Аммо "Кўп яшанг!" деган тилакни биз ўзбеклар айтамиз. Тўқсон ё юз йил эмас, кўп яшанг! Сенга ҳам холис тилагим шу, Чарли, Худо қанча умр берган бўлса, яшайвер, биз мингдан-минг розимиз".

Сенга ўзбекона салом билан, Ҳикматулланинг тўнини кийган,

Саъдулла СИЁЕВ

МАДАНИЯТ

Амирқул Карим

Қалбимни элга бердинг...

* * *

Умримни элга бердинг,
Кўз ёшим селга бердинг,
Қалбимни элга бердинг,
Фалак, сендан сўроғим
Кўнглимни кимга бердинг?!

Шундайин ёруғ дунё,
Зулматни менга бердинг.
Кимга шодлик, ғам деган
Улфатни менга бердинг,
Фалак, сендан сўроғим,
Кўнглимни кимга бердинг?!

Ризқимни йўлга бердинг,
Гулимни чўлга бердинг,
Ханжарни қўлга бердинг...
Фалак, сендан сўроғим,
Кўнглимни кимга бердинг?!.

УНУТДИНГ

Наҳот сен бир ҳовуч зарни деб,
Дилингни гулханни унутдинг.
Суйдирган бахт таъмин туйдирган.
Ишқ деган гулшанни унутдинг.

Сени деб ўтказган онини,
Сен деса беражак жонини.
Қаҳрингдан ушоқдек мўъжазу,
Меҳрингдан улканни унутдинг.

Нигоҳинг девона айлаган
Висолинг парвона айлаган,
Бахтим деб бир сени танлаган,
Севгингла тўлганни унутдинг.

Шамолсиз ичиккан япроқлар,
Ҳавасин келтирган титроқлар...
Оқшомни ёритган ой нури
Изимиз босилган тупроқлар.

Биз узган атиргул ифорин,
Ваъдамиз.., севгимиз туморин,
Ул ширин бўсалар хуморин...
Чеҳрангсиз сўлганни унутдинг.

Наҳот сен... соғинчинг кўйида,
Бевафо ёрининг тўйида,
«Ёр-ёр»у ноғора куйида
Тириклай ўлганни унутдинг..?!

Наҳот сен...

ЁРНИНГ ЖАМОЛИ

Эрамнинг боғи, Фирдавс булоғи
Дилимнинг доғи ёрнинг жамоли.

Юзида ёғду, кўзида жоду
Оламда тоқдур қадди камоли.

Сочи — шалола, ёноғи — лола
Кўнглимда нола — лабининг боли.

Сув каби оқсам, юзига боқсам
Қанийди ёқсам... — баҳор шамоли.

Бунчалар золим ул қаро холинг
Амир заволинг — ёрнинг хаёли.

ЯНГИ ЛАЗГИ

Бобур оҳангларида

Юзи — гул, лаби — ёқут,
сумбулсоч кўзи — оҳу,
Бир ишва табассуминг
айлади мани жоду.

ШЕЪР ВА ШУУР

Сендан бир нафас элтган,
дунёни қафас этган,
Дилимни оташ этган
айтгин, қандайин туйғу.

Бир кўришда бўлдим лол,
эй, пари соҳибжамол,
Сенсиз яшамоқ малол
чашмимга келмас уйқу.

Бўлсанг сан Хоразмдан,
шамсона оразингдан,
Лутфингу аразингдан
кўнглимга тушди қутқу.

Туйғулари пинҳоним,
бахшида сенга жоним,
Амиринг, навниҳолим,
ишқингга энди тутқун.

СПОРТ

Учинчи ўрин учун

Қатар яшил майдонларида ёшлар ўртасидаги халқаро турнирнинг ярим финал баҳслари ўтказилди. Унда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси польшалик тенгдошларига қарши майдонга тушди.

Ушбу учрашув натижаси финалга йўлланма беришини ҳисобга олиб, дастлабки дақиқаларда иккила терма жамоа ҳам эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишди. Шу боис бўлса керак, биринчи бўлимда дарвозалар ишғол қилинмади. Иккинчи бўлимда эса, жамоалар ҳужумга зўр беришди. Натижада польшалик футболчилар 58-дақиқада терма жамоамиз дарвозасини ишғол қилишга муваффақ бўлди. Қолган дақиқаларда Убайдуллаев шогирдлари ҳарчанд уринмасин ҳисобни тенглаштира олишмади. Ўйин охирига келиб эса ҳакам томонидан кўрсатилган қизил карточка туфайли ўзбекистонлик футболчилар битта ўйинчи кам бўлиб ҳаракат қилишига тўғри келди.

Иккинчи жуфтликда эса Япония ҳамда Хитой ёшлари куч синашишди. Ўйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисобида якунига етди. Қўшимча вақтда эса японияликлар ғалаба тўпини киритишга муваффақ бўлди ва якунда 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Бугун Тошкент вақти билан соат 16:30 да Хитой ва Ўзбекистон ёшлари 3-ўрин учун майдонга тушса, Польша ва Япония ёшлар терма жамоаси бош соврин учун баҳслашадилар.

Бир турнирда қўш ғолиб

Голландияда шахмат бўйича 70-халқаро турнир бўлиб ўтди. Мусобақалар якунига кўра, арманистонлик Левон Аронян ҳамда норвегиялик Магнус Карнсенлар бир хил – 13 имкониятдан 8 очко жамғаришди. Матбуот анжуманида ҳам ғолиб сифатида ҳар икки спортчи иштирок этди.

Аммо мусобақанинг ёпилиш маросимида ташкилотчилар узоқ тортишувлардан сўнг Левон Аронянни ғолиб деб топишганини билдирдилар. Унинг ноанъанавий юришлари ва янгиликка интилиши мутахассисларда катта таассурот қолдиргани таъкидланди.

Турнир ғолибининг ўзи эса, 17 ёшли Карлсеннинг ўйинидан ҳайратда эканлигини айтиб ўтди ва уни шу йил сентябрда Испаниянинг Бильбао шаҳрида бўлиб ўтадиган турнирда иштирок этишга чақирди.

Australian Openда янги чемпионлар

Мельбурн шаҳрида теннис бўйича Австралия Очиқ чемпионати ниҳоясига етди. Эркаклар ўртасидаги финал баҳси сербиялик Новак Жокович ва франциялик Жо-Вильфрид Тсонг ўртасида бўлиб ўтди.

Ўйин аввалида француз теннисчиси ташаббусни ўз қўлига олди ва биринчи сетни ютишга муваффақ бўлди. Лекин иккинчи сетда у ўзи оширган геймни бой берди. Оқибатда Жокович ҳисобни тенглаштириш билан бирга ўйин тизгинини ҳам ўз томонига оғдириб олди.

Ҳал қилувчи тўртинчи сетда ҳар иккала теннисчи эҳтиёткорлик билан ўйнади. Шу боис баҳс тақдири тай-бреккача чўзилди. Яқинда эса асаби мустаҳкамроқ бўлган Новак Жоковичга омад кулиб боқди. Шунга қарамай, ҳар иккала теннисчи ҳам турнирни муваффақиятли якунлади дейиш мумкин. Негаки улар финал остонасида сайёрамизнинг энг кучли ракетка усталари Роже Федерер ва Рафаэл Надалларни мағлуб этишди. Энг муҳими эса, Жо-Вильфрид Тсонг илк иштирокидаёқ финалгача етиб келган бўлса, Новак Жокович 1,2 миллион долларни қўлга киритди.

Аёллар ўртасидаги мусобақалар финалида россиялик Мария Шарапова ҳамда сербиялик Анна Иванович кортга чиқди. Бир ярим соат давом этган муросасиз курашлардан сўнг россиялик теннисчининг қўли баланд келди. Бу билан Шарапова нафақат ўтган йилги натижасини яхшилади, балки ватандошлари орасида биринчи бўлиб ушбу совринни қўлга киритди.

Яна бир эътиборли томони, бу йилги чемпионат мухлисларни қабул қилиш бўйича рекорд натижага эришган. 14 кун давомида мусобақани 605 минг 735 нафар теннис ишқибози бевосита томоша қилган. Турнирнинг сўнгги йилдаги мухлислари сони эса ярим миллиондан ортиқроқни ташкил этади.

Темур ХУДОЙБЕРДИЕВ

ТЕАТР

Қўғирчоқ болага нима беради?

— Қўғирчоқлар — доим мен билан бирга яшайди. Уларсиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман, — дейди **Республика қўғирчоқ театрининг истеъдодли ёш актрисаси Шаҳзода Эшмуҳамедова.**

Болалигиданоқ қўғирчоқ ўйнатишга қизиққан актриса Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтини тамомлаб, дастлабки иш фаолиятини Республика қўғирчоқ театрида бошлади.

Кўплаб иқтидор соҳибларини кашф этган бу театр деярли 70 йилдан бери фаолият олиб бормоқда. Бу театрда ўзбек ва рус гуруҳларида бирдек маҳорат билан роль ижро этиб келаётган актриса Шаҳзода Эшмуҳамедова тўрт йилдан бери шу масканда болажонларга қизиқарли томошаларни тақдим этиб келмоқда.

— Театр — менинг иккинчи уйим, қўғирчоқлар эса қадрдон дўстларим, уларни доим ўзим билан бирга олиб юраман, — дейди у танлаган касбидан фахрланиб. — Айниқса битирув малакавий ишимни айни шу саҳнада ҳимоя қилганим бугунги фаолиятимга туртки бўлган бўлса ажаб эмас. «Қўғирчоқ оламига саёҳат» мавзусидаги диплом ишим устозим Марям Ашурова раҳбарлигида спектакл-концерт шоу тарзида ўтганди. Ўша вақтда театр раҳбарияти ходимлари саҳнадаги роль ижро этиш маҳоратим ва қобилиятимни синаб кўришиб, сўнг ишга қабул қилишди. Бу ерда фақат қўғирчоқ билан ишланмайди, балки жонли ижро, яъни актёрлар иштирокидаги саҳна намойишлари ҳам қўйилади.

— Қўғирчоқ театри болажонларга нима беради?

— Қўғирчоқ театри — шунчаки томоша эмас. Тўғри, болалар, ўқувчилар мактабдан сўнг ёки дам олиш кунлари томошага келиб, маданий ҳордиқ чиқаришади. Шу билан бирга улар томоша давомида қўғирчоқларнинг хатти-ҳаракати, асарнинг мазмун-моҳиятидан ўзларига тегишли хулоса чиқаради. Спектаклдан олган таассуротларини уйга бориб, ота-онасига сўзлаб беради. Шу баробарида уларнинг фикрлаш савияси ўсади, маънавий дунёқараши шаклланади. Спектакль образлари орқали бола қаҳрамонларга тақлид қила бошлайди. Масалан, шер образида ботир бўлиш, қуён образи орқали чаққон бўлиш каби хусусиятларни сингдириш воситасида болада «мен» образи шаклланиб боради. Қўғирчоқ театрига асосан 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар келишади. Спектакллар ҳам болаларнинг ёшига қараб мослаб қўйилади. Ёши катталар намойишининг ғояси — қаҳрамонларнинг ижобий ёки салбий хусусиятларини дарҳол пайқаб, унга муносабат билдиришга ҳаракат қилади.

Дарҳақиқат, томошабинлар қаршисида спектакль қўйиб, қўғирчоқни жонлантириш ҳам машаққатли жараён. Шаҳзода Эшмуҳамедова ана шундай масъулиятли ишнинг уддасидан чиқиб, бир неча йилдан бери кичкинтойларни хурсанд қилиб келмоқда.

Томошабинни бирдан жалб қилишнинг йўли — спектакль бошиданоқ бирор кулгили ёки қизиқтирадиган эпизодлар билан уларни сеҳрлаб олиш, агар актёр қобилиятли ва тажрибали бўлса, қўғирчоқни ҳаракатлантириш у қадар қийин бўлмайди. Қўғирчоқларни нафақат хатти-ҳаракатлар билан жонлантириш, балки ҳар бирининг шакли, турига қараб ўзига мос овоз бериш ҳам керак. Бунда актёр бевосита қўғирчоқ образига ҳамоҳанг тарзда роль бажаради. Томошабинни қизиқтириш учун энг аввало сценарий яхши ёзилган бўлиши, шунингдек, унга мос қўғирчоқлар танланиши лозим.

Театрда бу жараёнлар яхши йўлга қўйилган. Спектакль учун зарур бўлган қўғирчоқларни усталар ясаб беришади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, қобилиятли актриса Шаҳзода Эшмуҳамедова ўзи ёзган сценарий асосида саҳналаштирилган спектаклдаги қўғирчоғини ўзи ясайди. Болалигидан расм чизишга қизиққан ёш актриса дизайнерлик бўйича махсус курсни тамомлаган. Бу эса ҳозирда қўғирчоқларнинг макетини яратишда анча қўл келади. Актриса шу вақтга қадар бир қанча роллар, жумладан, «Светафор» спектаклида Хўтикча, «Уч қувноқ чўчқача»да Чўчқа, «Чўпқўғирчоқ» спектаклида Ўргимчак образини ижро этган. «Рики-тики-тави» спектакли унинг илк ижодий фаолиятини бошлаб берган.

Театр ходимлари республика мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини унумли ўтказишлари билан чекланиб қолмай, балки вилоятларга ижодий сафар уюштириб туришади. Жумладан, ўтган йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги мактаб ўқувчиларини янги спектакллардан бахраманд этиб қайтишди.

Ижодий гуруҳ янги йилда ҳам кўплаб тадбирларни амалга оширишни режалаштирган. Ўзбек болаларининг ҳаётини акс эттирган, уларнинг маънавий оламини бойитишга хизмат қиладиган янги спектакллар саҳналаштириш ва дунё саҳналарида намойиш этиш ишларида уларга муваффақият тилаб қоламиз.

Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА

МУЛОҲАЗА

Обрўнинг баҳоси

– Обрўсини йўқотган кишига бундан бошқа жазо йўқ, – дейди кўп йиллик қадрдоним Икромжон.

– Нега бу ҳақда гапиряпсиз? – сўрайман ундан.

– Фалончини биласиз-ку! Сизу биздай одам эди. «Кўрмаганнинг кўргани қурсин», деган гап бежиз айтилмаган экан. Амалга ўтирдию ўзгарди-қолди. Яқинда унга қўнғироқ қилиб, бир масалада ёрдам беришини сўрадим. Ҳатто, у манманликка берилиб, саломни ҳам унутибди. Бир вақтлар устоз дея этагимни тутиб юрарди. Ҳозир эса ўзини осмонда тутганига ҳайрон қолдим. Ориятим келиб, мени сендек шогирдим йўқ. Бўлса ҳам энди йўқ, деб гўшакни қўйдим...

Сўзнинг мағзи, дилнинг малҳами эканлигини кўп эшитганмиз. Икромжон тилга олган "фалончи" жойида кўп ўтирмади. Порахўрлиги, дилозорлиги, риё ва таъмага ўчлиги қандай "тепа"га чиққан бўлса, шундай "паст"га тушириб қўйди. Икки йил ичида ўзига салбий ҳислатларни орттириб олгани қолди, холос.

Одамлар энди у билан юрмайдиган бўлди. Тадбир ва тўйларга жимгина келиб-кетадиган бўлди.

Аллоҳ унга амал берди. У бу туҳфани эплай олмади. Ўзини ўзи бадном қилди. Ўзи бўлса майли-я, аҳли хонадонини, туғишганларини ҳам ёмон аҳволга қўйди. Сўнгги пушаймон эса ўзингга душман.

Инсон обрў-эътиборни, қадр-қимматни мисқоллаб йиғади. Мисқол юқоридаги биз тилга олган ҳислатларнинг ўлчовидир. Ҳозирги ҳисобда эҳтимол беш граммга тўғри келар. Шу боис ҳам: "Обрў мисқоллаб келади, қадоқлаб кетади", дейдилар.

Муҳтасар қилиб айтганда, башар фарзанди ҳаёти давомида эзгу, савобли, саховатли, хайрли ишларни адо этиб, ўзидан яхши ном қолдириши керак.

Икромжон дўстимнинг ўкинчлари, ушбу сатрларни ёзишимга туртки бўлди. Ҳар нечук, кимдир бундан ибрат ёки сабоқ олар, деган умиддаман.

Абдулҳамид ҳожи ҲАБИБУЛЛАЕВ, доцент.

«Тезроқ ёз келақол-сайди...»

Абдурасул Ҳакимов чизган сурат.

Фикр

Кимки меҳнатдан ўзини олиб қочса, у ҳеч нарсага эриша олмайди.

Жон Милтон

«Трактор суратини юборинг...»

— Тонг саҳарда соатнинг қўнғироғи менга худди ўқ отилгандек таъсир қилади.

— Шунда чопиб туриб кетсанг керак?

— Йўқ! Худди ҳалок бўлгандек ётавераман.

* * *

Бир одам юк машинасига қўл кўтариб, ҳайдовчидан сўради:

— Машинангизга аррамни солволай.

— Йўқ, бўлмайди, ҳаммаёқни расво қилади.

— Аррам латтага ўралган,хотиржам бўлинг.

— Унда майли.

Шунда ҳалиги одам йўл четида турган аёлга қараб деди:

— Хотин, чиқ машинага!

* * *

Ёш фермер уйланмоқчи бўлиб газетага эълон беради.Орадан кунлар ўтгач, у бир қиздан мактуб олади.Унда қиз фермерга турмушга чиқишга рози эканлиги, бундан ташқари отаси қизининг сепига битта трактор ҳам қўшиб бермоқчилиги ҳақида ёзилган эди.

Хурсанд бўлган фермер йигит қизга шундай телеграмма юборди: «Тезда тракторнинг суратини юборинг».

* * *

— Пешонангдаги гурра қаёқдан пайдо бўлди?

— Одамгарчилигим ўз бошимга бало бўлди. Тасаввур қилгин, кеча бир қизни сувдан олиб чиқувдим, шу пайтда хотиним келиб қолиб бошимга ўқлов билан тушириб қолди.

— Яхши бўлмапти. Дарвоқе, бу воқеа қаерда содир бўлди.

— Уйимиздаги ваннахонада!

Шодмон БЕК тайёрлади.

O'zingni angla!
Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тел-факс: 233-36-02. Тел: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухоро — 8-365-715-30-57
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Тошкент — 8-370-762-16-86
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-20-80
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Қорақалпоғистон — 8-361-55-428-97

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух Жабборов

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.30

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-55 Адади: 8400 1 2 3 4 5 6 7 8